

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/27.02.2021. Tar.70.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАСАНОВ АКРАМ МУМИНОВИЧ

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
(V-XIV асрлар биринчи ярми мисолида)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

Фан доктори диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук

Content of the abstract of dissertation of doctor of sciences

Хасанов Акрам Муминович

Жанубий Ўзбекистонда шаҳарлар шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (V-XIV асрлар биринчи ярми мисолида)..... 5

Хасанов Акрам Муминович

Особенности формирования и развития городов в Южном Узбекистане (на примере V-первой половины XIV вв.) 31

Khasanov Akram Muminovich

Features of the formation and development of cities in South Uzbekistan (first half of the V-XIV centuries)..... 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 65

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/27.02.2021. Tar.70.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАСАНОВ АКРАМ МУМИНОВИЧ

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
(V-XIV асрлар биринчи ярми мисолида)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Tar119 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раимкулов Абдусабур Аззамович
тарих фанлари доктори

Қобулов Эшболта Атамурадович
тарих фанлари доктори

Атаходжаев Азимхўжа Музаффарович
тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Навоний давлат педагогика институти

Диссертация химояси Қарши давлат университети ҳузуридаги тарих фанлар бўйича PhD. 03/27.02.2021. Тағ 70.05 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил "16" 12 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17 уй, Қарши давлат университети тарих факультети). (Тел.: (99875) 221-00-56; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Педагогика факультети 301 хона.

Диссертацияси билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (72 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17 уй. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил "4" 12 кун тарқатилди (2021 йил "4" 12 даги 1 -рақами билан реестр баённомаси билан).



С.Н. Турсунов
Илмий даражалар берувчи
бир марталик Илмий кенгаш раиси
Ўринбосари, т.ф.д., профессор.

Н.Н. Ражабова
Илмий даражалар берувчи
бир марталик Илмий кенгаш
котиби, т.ф.н., доцент.

Ю.А. Эргашева
Илмий даражалар берувчи
бир марталик Илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобал ахборот даврида, цивилизациялараро мулоқот юксак даражага кўтарилган ҳозирги кунда умумбашарий маданий мерос марказлари бўлган шаҳарлар тарихига катта эътибор қаратилмоқда. Инсоният цивилизацияси шаклланиши ва ривожланиши шаҳарсозлик маданияти тарихи билан билан узвий боғлиқликда борганлиги умумэтироф этилмоқда. Бу борада қадимги ва ўрта асрлар даври Марказий Осиё минтақаси шаҳарлари тарихини ўрганиш, шаҳарлар тарихи билан боғлиқ тарихий география, тарихий топономика, иқтисодий ва маданий ҳаёт каби шу минтақага хос хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим функционал аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида урбанизация ва шаҳарлашув жараёни шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда шаҳарлар тарихини теран ёритишга қаратилган илмий изланишларга эҳтиёж тобора ортмоқда. Шу сабабли ҳам жаҳондаги етакчи илмий-тадқиқот марказларида Ер шарининг турли минтақаларида урбанизация жараёнларининг ўзига хос жиҳатларини, шаҳарсозлик маданиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиш бўйича тизимли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқотларда шаҳарлар шаклланишининг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий асосларини очиқ беришга долзарб илмий муаммо сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда қадимги ва ўрта асрлар даври билан боғлиқ илмий ишларни жонлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. “Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”¹. Бу борада ҳозирги давр тадқиқотларида ўрта асрлар даври шаҳарларининг маъмурий бошқарув, иқтисодий, савдо ва ҳунармандчилик ҳамда диний ва маданий марказлар сифатидаги аҳамиятини ёритиш долзарб илмий масала сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудининг шаҳарсозлик маданияти ривожига қўшган салмоқли ҳиссасини аниқлаштириш, қадимдан то замонавий давргача бўлган урбанизация жараёнлари тарихини ёритишга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилиши биз танлаган илмий мавзунинг аҳамиятини кўрсатади. Бу ўринда илк ва ривожланган ўрта асрлар Жанубий Ўзбекистон шаҳарсозлиги тарихини ўрганиш муҳимлиги билан ажралиб туради. Бутун ўрта асрлар давомида Жанубий Ўзбекистон ҳудудларидаги сиёсий жараёнлар бир текисда кечмаган. Бинобарин, шаҳарлар тараққиётида ижтимоий-иқтисодий юксалиш ёки аксинча, инқироз жараёнлари ҳам содир бўлган. Ушбу жараёнларни археологик ва ёзма тарихий манбалар маълумотлари асосида холисона таҳлил этиб, илмий муомалага киритиш ҳам долзарб ҳисобланади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга ўтарамиз. 1 жилд. – Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ, 2017. – Б. 29 (592 б.).

“Маданий мерос ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, “Археология мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони, 2018 йил 18 январдаги ПФ-5881-сон “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисидаги” Фармойишида кўрсатилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019 йил 5 январдаги 222-х топшириғи асосида “Ўзбекистон тарихини ўрганиш ишларини самарали” ташкил этишга қаратилган “Йўл харитаси” нинг IV-бўлим, 23-бандида “Ўзбекистон шаҳарлари тарихи”ни тайёрлаш учун белгиланган вазифаларни маълум даражада бажарилишига ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли дастурий йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Марказий Осиёнинг турли қадимги тарихий-маданий вилоятларида шаклланган шаҳарсозлик маданияти, урбанизация жараёнлари, шаҳарлар ва давлатлар ўртасидаги диалектик боғлиқлик каби илмий масалалар билан жаҳондаги қатор илмий марказлар, илмий тадқиқот институтлари, жумладан, Франция илмий тадқиқот миллий маркази (Франция), Карлов университети (Прага), Германия археология институти (Германия), Нью Йорк университети (АҚШ), Сока университети (Япония), Сидней университети (Австралия), Россия Фанлар академиясининг Археология институти ҳамда Шарқ халқлари санъати давлат музейи (Россия), Ўзбекистон ФАнинг Тарих институти ва Миллий археология маркази (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Бу тадқиқотлар ичида Жанубий Ўзбекистон (қадимги Бақтрия ва Сугдиёна)даги қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳарсозлик маданияти тарихи бўйича кўпгина муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган натижалар олинган. Жумладан: Узунқир, Ерқўрғон, Афросиёб ёдгорликларининг қуйи қатламлари, Ерқўрғон (Қашқадарё)нинг юқори қатламлари кўҳна шаҳарларининг моддий маданияти ёритилган (Франция илмий тадқиқот маркази); Сурхондарёдаги Жарқўтон, Қизилтепа, Термиз каби илк ва қадимги шаҳарларидаги тадқиқотлар натижасида уларнинг саналарига аниқликлар киритилган (Япониянинг Сока университети); Сурхондарёнинг Шеробод туманидаги қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳар ва қалъаларининг тузилиши, бажарган вазифалари, жойлашуви тадқиқ этилган (Чехиянинг Карлов университети); Қашқадарё ва Сурхондарёнинг қадимги ва ўрта асрлар даври чегараларидаги қалъа-

кўрғонларнинг мудофаа иншоотлари ўрганилиб, уларнинг ўзига хос томонлари аниқланган, уларнинг савдо ҳамда хунармандчилик марказларида тадқиқотлар олиб борилган (Россия Фанлар Академиясининг Археология институти, Шарқ халқлари Давлат музейи).

Жанубий Ўзбекистон худудларидаги шаҳарсозлик маданияти масалаларини ўрганиш қуйидаги устувор йўналишларда олиб борилмоқда: тарихшунослик ва манбашунослик масалалари; археологик маълумотларни тарихга йўналтириш; жанубий вилоятларда шаҳармонанд (протогород) ва илк шаҳарлар пайдо бўлишининг омиллари ҳамда шарт шароитлари қадимги ва ўрта асрлар шаҳарларлари ривожининг умумийлиги ҳамда ўзига хос хусусиятлари; маълум сулолалар даври (Сомонийлар, Қорахонийлар, Чигатой улуси ва б.)даги жануб шаҳарларидаги ўзгаришлар; шаҳарларнинг ўрта асрлар даври тарихий-географик жойлашуви; шаҳарларни боғловчи савдо-транзит йўллари; шаҳарлар, қалъа-кўрғонларнинг мудофаа иншоотлари; шаҳарлардаги маданий тараққиёт; шаҳарлар ҳамда қишлоқлар ўртасидаги боғлиқлик, шаҳарлар аҳолисининг турмуш тарзи ва ижтимоий ҳаёти; воҳалар бўйича шаҳарлар ривожининг муайян воҳаларга хос хусусиятлари.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Илк ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарлари ҳақидаги маълумотлар у ёки бу даражада аввало, византия, арман, хитой, сурия, турк, ҳинд манбаларида, IX-XII асрларда эса араб ва форс тилида ижод қилган Фирдавсий, Наршахий, Беруний, Истахрий, Байҳақий, Муқаддасий, Низом-ул-мулк, Ан-Насафий, Табарий, Ибн Хавқал, Ибн Халдун, Хавофий, ас-Самъоний каби тарихчилар, географлар, саёҳатчилар, комусий олимлар асарларида учрайди. Кейинроқ, Амир Темур ва темурийлар даврида Абдурразоқ Самарқандий, Шарафиддин Али Яздий, Натанзий, Мирхонд, Хондамир, Бобур, Алишер Навоий, Хожа Самандар Термизий, Муҳаммад Солиҳ, Абдурахмон Толеъ, Мирзо Бади Девон кабиларнинг асарларида мана шу даврларга оид шаҳарлар ҳақида маълумотлар учрайди. Лекин бу даврлар ёзма манбаларида Ўрта Осиёнинг, жумладан Жанубий Ўзбекистоннинг айнан бирон-бир шаҳри тарихи ва маданияти тарихи тўлақонли, батафсил ёритилмаган². Биз ушбу тадқиқотимизда Жанубий Ўзбекистон шаҳарларига оид ёзма манбалар маълумотларни археологик, этнографик ва нумизматик маълумотлар билан қиёсий солиштириб талқин қилишга ҳаракат қилдик.

Ёзма манбалар маълумотларини ўрганиш XIX асрнинг ўрталаридан бошланган бўлса-да, бу жараён бу даврда ҳали етарли илмий даражада эмас эди.

Совет даврига келиб, биз ўрганаётган давр шаҳарлари тарихи ва маданиятини ўрганиш анча кенгайди. Бу даврда В.В. Бартольд, А.А. Семёнов, А.Ю. Якубовский, Н.Я. Бичурин, М.Е. Массон, О.Д. Чехович, О.В. Большаков, Ю. Манковская, Б.А. Ахмедов, М.А. Абдурашидов, Ҳ.З. Зиёев, Б.В. Лунин, Р.Г. Муқминова каби манбашунос олимлар самарали тадқиқотлар олиб бордилар.

² Бу ҳақда ишимизнинг биринчи бобида батафсил маълумотлар бериб ўтилган.

Мустақиллик йилларига келиб Ватан тарихини ўрганишга бўлган муносабат тубдан ўзгарганлиги боис, шаҳарсозлик тарихи бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг кўлами сезиларли даражада кенгайиб, бу тадқиқотлардаги мафкуравий қарашлар ва ёндашувлар ҳаққоний тарихни яратиш ғоялари билан суғорилди. Мамлакатимиздаги Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилон каби шаҳарларнинг саналар билан боғлиқ юбилейларининг ўтказилиши ҳам тадқиқотлар кўламини кенгайтди. Бу йилларда Ўрта Осиёнинг турли даврлардаги давлатчилиги ва шаҳарсозлиги масалалари Б.Аҳмедов, Р.Г. Муқминова, Ҳ. Зияев, А.Асқаров, Р.Сулаймонов, Э.Ртвеладзе, А.Сагдуллаев, Т.Ширинов, А.Анарбаев, Г.Агзамова, Д.Зияева, А.Зиё, Ш.Камолиддинов, Б.Эшов, Ш. Шайдуллаев, Б. Матбобоев, Ш. Пидаев, М. Исомиддинов, А. Раимкулов, Т. Аннаев каби олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топди.

Ушбу тадқиқотлар минтақадаги илк шаҳар маданияти ва илк давлатчилик муаммолари, ўрта асрлардаги шаҳар ҳаётининг умумий масалалари, шаҳарлар тарихи ва маданияти бўйича ёзма манбалар, археология, этнология ва нумизматик маълумотларни фанга жорий этиш, миграция ва этномаданият, қадимги йўллар ва йўналишлар шаҳарлар инфратузилмаси, улардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг маълум томонларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу изланишлардаги V-XIV асрлар Жанубий Ўзбекистон шаҳарлари шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ масалаларни қиёсий таҳлиллар асосида умумлаштириб, яхлит диссертация тадқиқот яратиш долзарб масала ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қарши давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №49-05/85 “Қашқадарёнинг туристик салоҳияти-глобал тармоқда” мавзусидаги фундаментал лойиҳа (2017-2018 йй) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. V-XIV асрнинг I ярми Жанубий Ўзбекистон минтақасида шаҳарлар шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини, бу даврдаги шаҳарсозлик масалаларини ўзбек халқи моддий маданиятининг ажралмас бир қисми сифатида ҳолисона очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон ва умумжаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлган ўрта асрлар урбанизация жараёнларини умумэтироф этилган илмий ёндашувлар, назариялар ҳамда концепциялар асосида илмий, назарий-услубий жиҳатдан таърифлаш;

ўрганилаётган давр Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари шаҳарлари тарихи ва маданиятини минтақанинг бошқа ҳудудларидаги шаҳар маданияти билан қиёсий таҳлиллар асосида жанубдаги урбанизация жараёнларининг ўзига хослиги ҳамда умумийлиги масалаларига аниқлик киритиш;

хронологик изчиллик асосида Жанубий Ўзбекистоннинг илк ва ривожланган ўрта асрлар даври шаҳарларининг географик ўрни, таркибий тузилиши,

эволюцияси масалаларини ёритиш, улардаги босқичма-босқич ривожланиш тенденцияларини таҳлил этиш;

Жанубий Ўзбекистон шаҳарлари топографияси ва тарихий географияси масалаларини ёзма ва археологик манбалар асосида таҳлил этиш ҳамда шаҳарларни боғловчи транзит-савдо йўллари йўналишларини тадқиқ этиш;

Ўзбекистон тарихшунослигида долзарб бўлиб турган шаҳар-қишлоқ, кўчманчи аҳоли муносабатларини ўрганиш, шаҳарлар ҳаёти ва ривожланишида қишлоқ ҳамда кўчманчи аҳолининг таъсирини кўрсатиб бериш;

V-XIV асрнинг биринчи ярми Жанубий Ўзбекистонда кечган урбанизация жараёнлари тарихини очиб бериш;

Жанубий Ўзбекистондаги шаҳарлар шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида V-XIV асрнинг биринчи ярми (илк ва ривожланган ўрта асрлар) даври Жанубий Ўзбекистон шаҳарлари ва уларнинг тарихий топографияси, шаҳарларнинг иқтисодий-маданий ҳаётдаги ўрни урбанизация жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети V-XIV асрнинг биринчи ярми Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари шаҳарларининг ривожланиши динамикаси, вазифалари, маъмурий, иқтисодий ва маданий тараққиётда тутган мавқеи, шаҳарларнинг жойлашуви, шаҳарлараро карвон йўллари, уларнинг ўрта асрлар давлатчилиги ривождаги аҳамияти каби масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда масала тарихшунослигини ўрганиш ва таҳлил қилиш, муаммони ёритишда тарихий, хронологик изчиллик, муаммовий-худудий ёндашув, тарихий-археологик ва ёзма манбалар маълумотларини умумлаштириш ва қиёсий, тизимли таҳлил мавзу бўйича илмий қарашлар ва концепцияларнинг қиёслаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида V-XIV асрнинг биринчи ярми сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳамда маданий жараёнларнинг урбанизация ривожига тарихий-географик жойлашуви, сиёсий жараёнлар ҳамда савдо-иқтисодий омилларнинг таъсири исботланган;

Жанубий вилоятлар шаҳарларининг пайдо бўлиши ва босқичма-босқич ривожланиши ҳамда инқирозини келтириб чиқарган сабаблари ва омиллари, шаҳарлар тараққиётининг ўзига хослиги ҳамда ривожланишининг умумийлиги қиёсий таҳлиллар асосида далилланган;

илк ўрта асрлар даври Жанубий Ўзбекистондаги шаҳар ҳаёти, хусусан, Буюк ипак йўли чорраҳаларида жойлашган шаҳарларнинг жамият тараққиётига иқтисодий ва маданий таъсири, уларнинг ўша даврга хос бўлган турли ўлчов ва кўп қисмли ривожланиш хусусиятлари, ички ва ташқи алоқалардаги воситачилик, ижтимоий ҳамда бошқарув мавқеи аниқланган;

ривожланган ўрта асрлар давомидаги турли сулолалар (Сомонийлар, Қорахонийлар, Чигатой улуси) ҳукмронлиги даврида урбанизация жараёнларида шаҳарлар қисмлари ва тузилишидаги анъанавийлик ва шаҳристон ҳамда рабодлардаги янгиланиш жараёнлари, жанубий худудларга хос бўлган асосан

тўртбурчак шаклда пойдевор устида бунёд этилган шаҳарсозлик хусусиятлари, шаҳарлар бошқаруви, уларнинг сиёсий марказлар сифатидаги аҳамияти асосланган;

Ўрганилган даврга оид ниҳоятда кам ўрганилган шаҳарлар ва қишлоқлар аҳолиси ҳамда шаҳарлар ва дашт аҳолиси муносабатлари масалаларига Жанубий Ўзбекистон шаҳарлари Қарши даштлари ва Насаф, Ғузор даштлари ва Новқат Қурайш, Субах, Касби ва атроф қишлоқлар мисолида аниқлик киритилиб, шаҳарларнинг жойлашуви, номланиши ҳамда тарихий географияси масалалари аниқланган;

тарихий шаҳарсозлик негизида туризмни ривожлантиришга қаратилган Жанубий Ўзбекистон шаҳар манзилгоҳларининг лойиҳавий график таклифлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон тарихининг илк ва ривожланган ўрта асрлар даври жанубий вилоятларидаги урбанизация жараёнлари тарих, археология, манбашунослик, нумизматика, тарихий география каби йўналишлар кесимида амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўрта Осиё худудларида бутун ўрта асрлар давомида бўлиб ўтган урбанизация жараёнлари қиёсий ўрганилиб, бу даврга оид илмий адабиётлардаги Жанубий Ўзбекистон вилоятларига оид мавжуд маълумотлар тизимлаштирилган, кам ўрганилган жиҳатлари (тарихий топономика, тарихий география, шаҳарларнинг вазибалари ва ҳ.к.) бўйича хулосалар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда тарих ва тарихшунослик фанида тан олинган ёндашув ҳамда усуллар қўлланилганлиги, кўп турдаги тарихий-илмий адабиётлардан фойдаланганлиги, асосий тарихий манбалар ҳамда маълумотларни тизимлаштириш ва умумлаштирилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрта асрлар Жанубий Ўзбекистон шаҳарлари шаклланиши, ривожланиши ва ўзига хос хусусиятларини тарихий-қиёсий, муаммоли-хронологик усуллар ҳамда объективлик тамойили асосида тузилмавий-тизимли таҳлил асосида ёритилганлиги туфайли улардан мазкур муаммога оид назарий хулосаларни мукамаллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ўзбек халқининг ўрта асрлар моддий маданияти тарихи, хусусан, шаҳарсозлик тарихи, маданияти ва меъморчилиги бўйича тарихий маълумотлар билан бойитишга, шунингдек, олий ўқув юрти тарих йўналиши талабалари учун “Тарихий ўлкашунослик ва урбанизация жараёнлари”, “Ўрта аср шаҳарлари ва меъморчилиги тарихи”, “Қашқадарё воҳаси тарихи”, “Сурхон воҳаси тарихи” курслари бўйича махсус курслар, шу билан бирга Ўзбекистон тарихининг тегишли бўлимларини яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Ўзбекистонда шаҳарлар шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари мавзусига доир олинган илмий натижалар ва амалий таклифлардан:

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида миллий анъана ҳамда қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларни ободонлаштириш, тарихий ва маданий мерос, хусусан, археологик ёдгорликларни ўрганиш, асраш, улардан фойдаланиш, оммалаштириш бўйича ечим топишда 2017-2018 йилларда бажарилган 49-05/85 рақамли “Қашқадарёнинг туристик салоҳияти – глобал тармоқда” мавзусидаги инновация лойиҳасида фойдаланилган (Қарши давлат университетининг 2021 йил 8 августдаги 20-08-2075-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон туризм салоҳиятини оширишда, хусусан, мазкур соҳани ривожлантиришда шаҳарсозлик ва меъморчилик ривожидан муҳим омиллардан бири эканлигини асослаб бериш имконини берган;

Жанубий Ўзбекистон шаҳарларининг ҳудудий-маъмурий қисмларга ажратилганлиги, мустақкам муҳофаа деворлари, шаҳарлар тузилишидаги анъанавийлик ва ўзгаришлар каби илмий натижалар Ўзбекистон телерадио компанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Буюк ипак йўли шаҳарлари” кўрсатувининг Қашқадарё сонини тайёрлашда фойдаланилган (“O‘zbekiston tarixi” телеканалининг 2020 йил 19 октябрдаги 02-40-980-сон далолатномаси) ҳамда “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг 2021 йил 25 июндаги “Кўхна манзиллар” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (“O‘zbekiston tarixi” телеканалининг 2021 йил 9 августдаги 02-40-1300-сон далолатномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги боғлиқлик қадимдан вужудга келганлиги ва тараққий этиб бориш жараёни бўйича аниқ хулосалар чиқариш имконини берган;

Шаҳрисабз шаҳрининг қадимдан ўрта асрларгача бўлган шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, меъморий кўринишлари лойиҳавий таклиф ечимларидан амалиётда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 18 августдаги 01-12-10-3059-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши Шаҳрисабз шаҳри тарихий асиллигини сақлаш ҳамда туризмни янада ривожлантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, илмий-амалий ва илмий-назарий конференцияларда, шу жумладан 30 та республика ва 5 та хорижий конференция ва семинарларда ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 44 та илмий иш нашр этилган. Шундан 2 та монография, 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, хорижий журналлар ва конференцияларда 5 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 227 varaқни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асослаб берилган, ўрганилиш даражаси тавсифланган, ишнинг мақсад ва вазибалари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг манбашунослиги ва тарихшунослиги”** деб номланган биринчи бобида мавзу манбашунослиги ҳамда археологик тадқиқотлар тарихшунослиги таҳлил этилган. Ушбу бобнинг биринчи параграфи “Мавзу манбашунослиги”ни ёритишда илк ўрта асрларда маҳаллий тилларда битилган ёзма манбалар сақланиб қолмаганлиги, бу масалани фақат Хитой, Византия ва бошқа хорижий мамлакатларда яратилган асарлар орқали ўрганиш мумкинлигига эътибор қаратилди. Илк ўрта асрларда Хитойда ҳукмронлик қилган сулолалари тарихи ёритилган манбалардаги маълумотлар Суғдиёна ва Тоҳаристон шаҳарлари тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Улар ичида “Бэйши”, “Суйшу” ва “Таншу” каби расмий сарой солномаларида келтирилган маълумотларини таъкидлаб ўтиш мумкин³.

Илк ўрта асрларга тегишли хитой манбалари ичида Будда роҳибларининг саёҳатномалари ҳам мавзуга тегишли маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу даврда Тоҳаристон Будда таълимотининг маркази сифатида машҳурлиги сабабли⁴ Будда зиёратгоҳларини кўриш, зиёрат қилиш учун Хитойдан сафарга чиққан Будда монахлари Шимолий Тоҳаристонда бўлиб, Чағониён (Сағониён) ва Тармита мулклари, шаҳарлари ҳақида ўта муҳим маълумотлар мавжуд кундаликлар ёзиб қолдирганлар. Улар ичида Тан сулоласи даврида, 630 йилда Суғдиёна ва Тоҳаристон орқали Ҳиндистонга ўтган Сюань Цзаннынг “Да Тан Сиюй цзи” (“Сюан Цзиннинг саёҳати қайдлари”) ҳамда 723-727 йилларда Хитойдан сув йўли орқали Ҳиндистонга, бу ердан Тоҳаристон ва Суғдиёна (кейинчалик Фарғона ва Шарқий Туркистон) орқали юртига қайтган корейлик Будда монахи У Куннинг “У Кун жу Чжу цзи” (“У Куннинг Ҳиндистонга саёҳати қайдлари”) асарларидаги маълумотларни алоҳида қайд қилиб ўтиш мумкин⁵.

³ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В трех частях. – Алматы: ТОО “Жалын Баспасы”, 1998. Ч. II. – С. 269-276, 282-286, 296-298, 322-330.

⁴ Қаранг: Пидаев Ш. Тармита – Термиз 1220 йилгача: шаҳарнинг келиб чиқиши ва тадрижий тараққиёти // Термиз – Буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Китоб-Альбом. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 17.

⁵ Каримова Н. Сведения Хуэй Чао по истории Центральной и Южной Азии // Востоковедения, 2015. – № 1. – С. 45-51.

Ривожланган ўрта асрлар даврида араб, форс ва туркий тилда яратилган ёзма манбалар тарихий-географик йўналишдаги маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради⁶. VIII аср бошларида Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги араб қўшинлари Амударёнинг ўрта оқимидаги ҳудудларни буйсундириши билан боғлиқ воқеалар ёритилган илк араб манбаларида Шимолий Тоҳаристон ва Чағониён (Сурхон воҳаси), Нахшаб (Насаф) ва Кеш вилоятлари шаҳарлари ва кентлари ҳақидаги илк маълумотлар пайдо бўлди. Бундай маълумотлар IX-X асрдан бошлаб кўпайиб борди. Улар ичида IX асрда яшаган араб географи ал-Балазурий асарида Хуросон шаҳарлари сифатида келтирилган Термиз ва Чағониён, Насаф ва Кеш ҳақидаги маълумотлар⁷, муаллифи номаълум бўлган “Китоб ҳудуд ул-олам мин ал-машриқ ила-л мағриб” (“Олам (Ер)нинг машриқдан мағрибгача бўлган чегаралари ҳақида китоб”) асаридаги Қашқадарё воҳасидаги Қаш (Кеш), Нахшаб каби йирик шаҳарлар, Навқат-Қурайш, Субах, Сакифағн (Эскифағн), Базда, Қасба каби шаҳарчалар, Сурхондарё воҳасидаги Термиз, Чағониён, Дарзангий, Босунд шаҳарлари ҳақидаги маълумотлар аҳамиятлидир⁸.

XII асрда яшаган араб географи Идрисий (тўлиқ номи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Идрис Идрисий Ҳасаний)нинг “Нузҳат ул-муштоқ фий ихтироқи-л-офоқ” (Муштоқ кишининг дунёнинг турли бурчакларига етиш йўлидаги саёҳати) асари, XII-XIII аср бошларида яшаган машҳур сайёҳ ва олим Ёқут ал-Ҳамавийнинг “Муъжам-ал-булдон” (“Шаҳарлар луғати”) асари⁹ ҳам мавзуга тегишли маълумотларга бой манбалардан ҳисобланади.

Мавзуга тегишли маълумотлар мавжуд асарлар ичида, шунингдек, Буюк Британиянинг Оксфорд университети Бодлеан кутубхонаси қўлёзмалар хазинасида XI асрнинг биринчи ярмида номаълум муаллиф томонидан араб тилида ёзилган “Китоб ғаройиб ал-фунун ва мулах ал-уюн” (“Ғаройиб илмлар ва кўзлар учун ажойиботлар китоби”) номли асар қўлёзмасини келтириб ўтиш мумкин¹⁰. Шунингдек, Абубакр ибн Жаъфар Наршахийнинг

⁶ Бу манбаларнинг кўпчилиги замонавий тилларга таржима қилинган. Биз мавзунини ёритишда ўзбек ва рус тилларига, қисман Европа (инглиз, француз) тилларига қилинган таржималардан фойдаландик.

⁷ Балазури Аҳмад ибн Йахйя ибн Джабир. Завоевание Хорасана (Извлечение из сочинения “Футух ал-булдан”) // Перевод с арабского, предиславий, комментарий и указатели Г. Гаипова. – Душанбе: Дониш, 1987. – 118 с; Китаб футух ал-булдан (Книга завоевания стран // Перевод Ш. Закирова // Материалы по этнической истории тюркских народов Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2003. – С. 35-43.

⁸ Ҳудуд ул-олам (Мовароуннаҳр тавсифи) // Форс тилидан таржима сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсатгичи муаллифи Омонулло Бўриев. – Тошкент: O‘zbekiston, 2008. – Б. 13-14.

⁹ Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-булдон. 8 жилдда. Қоҳира, 1906. (араб тилида); Шаҳрисабз – минг йиллар мероси. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 149.

¹⁰ Бу қўлёзма 2002 йилда топилган бўлиб, уни дастлаб инглиз шарқшунос олими Йозеф Рапопорт тадқиқ қилган ва илмий ахборот берган. Асар 2 қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми осмон илми, яъни астрологияга, иккинчи қисми эса Ер ҳақидаги илмларга бағишланган. Бу қўлёзма асарга Жайхун дарёси харитаси илова қилинган бўлиб, унда Амударёнинг тўлиқ тасвири ва унинг атрофидаги ўрта асрлардаги Бадахшондан Хоразмгача бўлган ҳудуд жойлашган вилоятлар, шаҳарлар, дарёлар, қўллар тасвирланган, яъни ҳозирги Афғонистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ҳудудларидаги ўрта аср шаҳарларининг географик ўрни чизилган. Харитада берилган маълумотлар ёзма манбалардаги маълумотлар билан мос келади ва айрим ҳолларда уларни тўлдириб, аниқлаштиради.

“Бухоро тарихи” асаридаги Нахшаб ва Кеш шаҳарлари ҳақида маълумотларни айтиш жоиз¹¹.

Мўғуллар истилосидан кейин яратилган тарихий манбаларда ҳам мавзуга оид маълумотлар мавжуд. Ибн ал-Асирнинг “Ал-Камил фи-т-тарих” (“Мукаммал тарих тўплами”) асарида IX-XII асрлардаги асосан ҳарбий-сиёсий жараёнларда Нахшаб (Насаф), Чағониён ва Термиз шаҳарларининг тутган ўрни ҳақида қимматли маълумотлар келтириб ўтилган¹². Аловиддин Атомалик Жувайнийнинг “Тарихи Жаҳонгушо” асарида ҳам Чингизхоннинг Нахшаб ва Термизга юриши баёнида бу шаҳарларга таъриф бериб ўтилган¹³.

Мўғуллар ҳукмронлиги даврида яратилган манбалар ичида Рашидиддин (XIV аср)¹⁴, Жамол Қарший¹⁵ асарлари ҳам катта аҳамиятга эга. Машҳур араб сайёҳи, географи, муаррихи ибн Баттута XIV асрнинг 20-50-йилларида мусулмон оламига саёҳат қилиб “Тухфат ан-нуззор фи ғаройиб ал-амсор ва ажойиб ал-афсар” (“Турли шаҳар ва сафарлардаги ажойиботлар соҳиби бўлганлар учун туфҳа”) асарини яратган. Бу асар илмий адабиётларда “Саёҳатнома” номи билан машҳур бу асарда Қарши (Насаф) ва Термиз шаҳарлари ҳақида муҳим маълумотлар келтириб ўтилган¹⁶.

Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларининг тадқиқотимиз доирасида кўриб ўтаётган даври тарихий географиясига тегишли айрим муҳим маълумотлар кейинги даврларда, Амир Темур ва темурийлар даврида ёзилган айрим асарларда ҳам мавжуд¹⁷.

Мавзу манбашунослигининг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, ёзма манбалар маълумотларини ўзаро ҳамда илмий адабиётлар ва археологик тадқиқотлар натижалари билан қиёсий солиштириш, мазкур вилоятлар шаҳарлари шаклланиши ва ривожланиши, урбанизация жараёнлари, топоним ва этнонимлари, гидронимлари, этнографияси бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларни тарихий-географик йўналишда ёритиш тадқиқотдан кўзланган мақсадни бажаришда катта ўрин тутаяди.

Тадқиқотларнинг хусусиятидан ва нашр қилиниши даражасидан келиб чиқиб, мавзунинг ўрганилиши қуйидаги хронологик даврларга бўлиб

¹¹ Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи // Форс тилидан А.Расулев таржимаси. – Тошкент: Камалак, 1996. – 216 б.

¹² Ибн ал-Асир. Ал-камил фит-тарих (Полный свод истории) // Перевод с арабского языка, примеч., и коммент. П.Г. Булгакова. Дополнение к переводу, прим. и. ком введение и указатели Ш.С. Камолиддина. – Тошкент: Узбекистан, 2006. – 559 с.

¹³ Аловуддин Атомалик Жувайний Тарихи Жаҳонгушо. – Тошкент: “Mumtoz so‘z”, 2015. I жилд. – 168-169 бетлар.

¹⁴ Рашид ад-Дин. Джами’ ат-таварих. Сборник летописей / Пер. с персидского А.К. Арендса. – М. – Л.: Изд-во. АН СССР, 1946. Т. 3. – 340 с.

¹⁵ Джамал ал-Карши. Ал-Мулхакат би-с-сурах // Введение, перевод с арабско-персидского, комментарии, текст, факсимиле Ш.Х. Вахидова, Б.Б.Аминова. История Казахстана в персидских источниках. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. Т. I.

¹⁶ Ибн Баттута. Саёҳатнома. Тухфат ан-нуззор фи ғаройиб ал-амсор ва ажойиб ал-асфор (Ғаройиб шаҳарлар ва ажойиб сафарлар ҳақида назар соҳибларига туфҳа) / Таржимонлар гуруҳи. Масъул муҳаррир ва мукаддима муаллифи Н. Иброҳимов. – Тошкент: Sharq, 2012. – 686 б.; Ибрагимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Тошкент, 1991.

¹⁷ Бартольд В.В. Хафиз-и Абру и его сочинения. Работы по источниковедению. / Соч. в 9 томах. – М.: Наука, 1965. Т. VIII. – С. 74-97; Хафиз-и Абру. География (Извлечения) / Перевод с персидского А.Буриева // Материалы по истории Средней и Центральной Азии. X-XIX вв. – Ташкент: Фан, 1988. – С. 142-148.

чиқилди: 1) XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошлари; 2) XX асрнинг 20-80-йиллари тадқиқотлари; 3) Мустақиллик даврида мавзунинг ўрганилиши; 4) Хориж тарихшунослигида муаммонинг талқини¹⁸.

Диссертациянинг иккинчи боби “Илк ўрта асрлар даврида Жанубий Ўзбекистондаги шаҳарлар шаклланиши ва ривожланиши” деб номланган бўлиб, унда Қашқадарё ва Сурхон воҳасида янги шаҳарларнинг пайдо бўлиши мавжудларининг ривожини, илк ўрта асрлар шаҳарларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз боради.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи “Қашқадарё шаҳарлари ҳаёти” деб номланади. Қашқадарё воҳасида шаҳарсозлик тараққиёти Турк ҳоконлиги ва Сосонийлар давлати иттифоқининг эфталийларга қарши (562-564 йиллар) кураши ва эфталийлар давлатининг тугаши билан таназзулга учрайди. Натижада Қашқадарё воҳасидаги шаҳарсозлик маданиятининг ривожини бошқа айнан, кўшни Зарафшон воҳаси шаҳарсозлик маданиятидан сезиларли даражада ортда қола бошлагани кузатилади.

Қашқадарё воҳаси ҳудудида турли тарихий даврларда шаклланган ва турли даврларда вайронага айланган ўрта аср шаҳарларидан бири Шулликтепа – Қарши шаҳридан 7-8 км чамаси шимоли-ғарбда, асосан Қашқадарёнинг сўл қирғоғида жойлашган. Бу ҳудудда дарёнинг кенг майдонни эгаллаган ярим доира шаклидаги қайрилиши бўлиб мана шу ҳудудда Нахшаб-Насафнинг арки, шаҳристон ва рабоди жойлашган.¹⁹ Шаҳристоннинг шу кунлардаги устки топографиясини кузатиб бирон-бир фикрга келиш қийин, чунки бу ерда жуда узоқ йиллар, балки асрлар давомида шу атрофда яшовчи аҳоли пишиқ ғишт кавлаб олиб кетиш билан шуғулланган. 1885 йилда Б.Литвинов Шулликтепада бўлиб, у шундай тасвирланган. “Қарши атрофида археология ва тарих учун энг қимматли бўлган хароба Шулликтепа қалъаси харобаларидир. Аҳоли ҳозиргача ўз қурилишлари учун бу ердан пишиқ ғишт олиб кетади, кўплаб уйлар, Қаршининг машҳур ҳаммомлари мана шу ғиштлардан қурилган. Ҳозир ҳам Бухоро бозори Шулликтепадан қазиб топилган ажойиботлар билан тўла²⁰”.

Қадимий Нахшабнинг ўрта аср шаҳарларидан бири Қалъаи Заҳхоки Марон қалъаси ҳисобланиб, у Нахшабнинг жануби-шарқий қисмида жойлашган, поғонама-поғона марказга қараб кўтарилиб борадиган учта тепаликдан иборат. Мазкур қалъа қаср ва мустаҳкам истехком деворларига эга бўлган. Ташқи айлана деворнинг кенглиги 30 м, баландлиги 7 м бўлган. Девор ташқариси тик кўтарилган, ич томони нишаб қилиб ишланган. Қалъанинг умумий майдони қарийб 16 танобга етади. Ташқи деворнинг шимол тарафи ўртароғида 25 метрлик узилиш бор. Ҳозирги вақтда бу ораликдан ариқ ўтказилган, бу жойда қалъа дарвозаси бўлган²¹. Ёдгорликни биринчи бўлиб

¹⁸ Мазкур диссертациянинг I-бобида мавзунинг ўрганилиш даражаси батафсил берилган.

¹⁹ Кабанов С.К. Нахшаб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв.). – Ташкент, “Фан”, 1977. – С. 43-44.

²⁰ Литвинов Б. Қарши // Туркестанские ведомости. 1910. – №114-116; Абдусаттор Жуманазаров. Насаф. – Тошкент: “Фан”, 2007. 45 б.

²¹ Равшанов П. Қарши тарихи. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2006. – 171 б.

И. Кастанье ва 1916 йилда Л.А. Зимин (1916)лар тадқиқ этишган. Кейинги даврда М.Е. Массон ва С.К. Кабановлар тадқиқоти хулосаларига кўра ёдгорлик III-IV асрларга оид эканлиги аниқланди²².

Ғузур воҳаси муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлиб, қулай тарихий-географик ҳудуд сифатида Қашқадарё воҳасида катта аҳамиятга эга воҳа сифатида ном қозонган эди. Шаҳарнинг асосий қисми мудофаа девори ва хандақлар билан ўралган. Ўрдада ҳукмдор ва оила аъзолари яшаган бўлса, шаҳристонда асосан бой-бадавлат деҳқонлар ва савдогарлар яшаган. Муаррих Табарий Ғузур ҳукмдорларини “Ғузур малики”, “Ғузур деҳқони” деб атаган. Ғузур деҳқони (ҳокими) Сабурғо исмли турк кишиси эди. Ғузур атрофида Субах ва Искифағн манзилгоҳлари жойлашган. Афтидан Ғузур Субах ва Искифағн оралиғида VII аср охирларида вужудга келган. В.В. Бартольд Сунаж қишлоғи Субах билан бир жой деб ҳисоблаган. Субах ҳозирги Ғузур шаҳри ўрнида бўлган²³.

Қуйи Қашқадарёдаги Касби-Жанубий Суғднинг энг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланган. Касби милоднинг V-VI асрларида Сосонийлар билан Сўғд давлати чегарасидаги мустаҳкам истехкомга эга бўлган²⁴. Муаррих Ибн Ҳавқал унинг пойтахт Насафдан ҳам катталигини айтиб, бу шаҳарни “Касби қишлоғи” деб таърифлаган ва унда жомеъ масжиди мавжудлигини таъкидлаган. Айни кунда унинг улкан марказий арки сақланган, холос. Арк шаҳарнинг марказида жойлашган бўлиб, майдони 180x120 м, баландлиги 18 м. Аркнинг юзаси жуда нотекис. Унинг жануби-ғарбий қисмида томонлари 30x30м бўлган кенглик мавжуд²⁵. Қадимшунос ва тарихчи олимлар С.К. Кабанов, Р.Х. Сулаймонов, Ш.С. Камолиддинов ва А.Раимқуловлар илк ўрта асрларга оид (V аср) арман манбаларида тилга олинган Казбион шаҳрини ўрта асрлардаги Касба шаҳри, ҳозирги Касбитепа билан локализация қиладилар²⁶. Э.В. Ртвеладзе эса Казбионни Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари чегарасидаги Темир Дарвоза ва Ғузур оралиғида деб ҳисоблайди²⁷.

Қашқадарё воҳасининг илк шаҳарлари сўнгги бронза ва илк темир даврида шаклланиб, кейинги даврларда ривожланиб борган. Илк ўрта асрлар даврида Кеш (Китоб-Шаҳрисабз), Шуллиуктепа (Қарши), Ғузур, Навқат Қурайш, Эскифағн, Касби, Базда каби йирик кўхна шаҳарлар дарё воҳаларида, қадимги йўллар бўйларида шаклланиб воҳанинг ички ва ташқи савдо алоқаларида, маданий ҳаётида, миграция жараёнларида муҳим аҳамият касб этганлар. Олиб борилган кўплаб қиёсий тадқиқотлар натижасида бу шаҳарларнинг шаклланиши жараёни, ривожланиш босқичлари, тарихий

²² Мўминов О. Қалъаи Заҳхоки Морон ёдгорлигининг ўрганилиш тарихидан // Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида туган ўрни. Халқаро илмий конференция маърузалари тезислари. – Тошкент: “Фан”, 2000. – 19 б.

²³ Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 220.

²⁴ Қораев С. Ўзбекистон вилояти топонимлари изоҳли луғати. – Тошкент, Ўз МЭ ДИН, 2000. – Б.184.

²⁵ Раимқулов А. Қашқадарё воҳасининг ўрта аср шаҳарлари. – Қарши: “Насаф”, 2018. – 48 б.

²⁶ Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент, “Фан”, 2000. – Б. 312; Раимқулов А. Қашқадарё воҳасининг ўрта аср шаҳарлари... – Б. 48.

²⁷ Камолиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX-начала XIII вв. – Ташкент: “Ўзбекистон”, 1996. – С. 56-57.

географияси, топономикаси ва локализацияси масалаларига кўплаб аниқликлар киритилган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи “Сурхон воҳасидаги шаҳар маданияти” деб номланади. Тоҳаристон, шу жумладан, Термиз мулки Турк ҳоконлиги таркибига тугал киргач шаҳар ҳаёти юксала бошлади. Шаҳарда катта қурилиш ишлари олиб борилди. VI асрнинг иккинчи ярми – VII аср бошида шаҳар атрофида мустаҳкам мудофаа қудратини кучайтириш мақсадида барпо этилган эди.

Чағониён (арабча Сағониён) – Амударёнинг юқори ҳавзасидаги вилоят бўлиб, унинг бош шаҳри ҳам шу ном билан аталиб келинган. Чағониён шаҳрининг маркази Термиздан 24 фарсах узоқликда жойлашган. Шаҳар маркази жойлашган жой масаласида В.В. Бартольд шаҳар маркази ҳозирги Денов (Дехи-нав-“Янги қишлоқ”) ўрнидалигини айтиб ўтган бўлса, Ле Стренж эса бирмунча шимолда жойлашган Сариосиё ўрнида бўлган деб кўрсатади. Муаррих Маҳмуд ибн Вали эса бу хусусида Чағониён ҳудуди бугунда Дехнов номи билан машҳур деб изоҳлаган²⁸.

Чағониён водийсининг жанубий қисмида, Термиз ва Чағониён оралиғида бир неча шаҳарлар мавжуд эди. Термиздан 6 фарсах масофада жойлашган Сармонгон (Чормонгон) шаҳри ҳозирги Жарқўрғондан 5 чақирим жанубда мавжуд шаҳар қолдиқлари ўрнида бўлган.

Сюань-Цзян маълумотларига кўра, VII асрнинг биринчи чорагида Термиз шаҳрининг айланаси 20 ли (6-10 километр)ча атрофида ва у шарқдан ғарбга қараб кичрайиб борган ҳудудга эга эди. Термиз VI-VII асрларда муайян даражада мустақил бўлганлигини нафақат ёзма манбалар, балки танга топилмалар ҳам далолат беради. Бу тангалар V аср охири – VII асрларда зарб этилган²⁹. Араблар истилоси даврида Термиз Ўрта Осиёни босиб олишда асосий истехкомга айлантирилган.

Сомонийлар даврида Термиздаги ҳаёт аста-секин шаҳристонга қараб силжиган ва унинг майдони 35 гектардан ошиб кетган. Ёзма манбалар маълумотида кўра, X асрда шаҳарнинг ҳар бир қисми, яъни қалъаси, мадинаси ва работи алоҳида девор билан ўраб олинган бўлган. Ҳукмдор саройи шаҳар қалъаси ичида, шаҳар жоме масжиди, бозори ва зиндони бевосита шаҳарда жойлашган эди³⁰. Илк ўрта асрлар даврида қурилган Термизшоҳлар саройи қалъанинг жануби-шарқий қисмидаги атрофи девор билан ўралган ҳудудда жойлашган бўлиб, унинг рўпарасида XI асрда Термиз шаҳри ҳокими саройи барпо этилган эди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, шаҳар қалъасининг асосий дарвозаси ривожланган ўрта асрларда қалъанинг шарқий деворида, яъни шаҳристонга қараб жойлашган бўлиб, эски дарвозаси X асрда қайта қурилиб, фақат пиёдалар ўтиши учун йўлак қолдирилган³¹.

²⁸ Чағониён тарихи. Бартольд В.В. Чағониён ҳақида. Тошкент ислом университети, 2002. – 12 б.

²⁹ Ўша асар. – 13 б.

³⁰ Бартольд В.В. Работы по источниковедению / Соч. в 9 томах Т. VIII. – М.: Наука, 1965. – С. 59.

³¹ Массон М.Е. Городище старого Термеза и их изучение. – Труды Узбекского филиала АН СССР. Серия VII. Вып. 2. – Ташкент, 1941. – С. 8-12.

Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган кўпгина шаҳарлар дарё кечувини назорат қилувчи қалъалар сифатида пайдо бўлган. Амударёнинг ўнг ирмоқлари бўлган Шеробод, Сурхондарё, Вахш, Кофирниҳон, Қизилсув каби дарёлар ва уларнинг ирмоқлари бўйлаб жойлашган шаҳарлар, қўрғонлар ва қишлоқларнинг географик ўрнини аниқлаштириш катта аҳамиятга эга.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи “Илк ўрта асрлар шаҳарларининг ўзига хос хусусиятлари” деб номланади. Ўрта аср шаҳарлари учун хос хусусиятлардан бири аркнинг тўртта дарвозага эга эканлигидир. Унда хунармандчилик даҳалари юзага келиб гавжумлашган, жумладан, Термизда антик давр чилангарлик даҳаси аниқланган. Унда, шунингдек, саройлар (Термиз, Холчаён), ибодатхоналари ҳам ўрин олган, турар жой даҳалари ёки алоҳида бинолар қолдиқлари археологик қазилар олиб боришда Далварзинтепа ва Холчаёнда аниқланган³². Йирик шаҳарларда эса, ички ва ташқи шаҳристонлар мавжуд бўлган. Натижада, ички шаҳар (шаҳри дарун) ва ташқи шаҳар (шаҳри бирун) атамалари келиб чиққан. Бу арабча “мадина дохил”, “мадина хариж” атамаларига мос келади³³.

Умуман олганда, илк ўрта аср шаҳарларининг ўзига хос хусусиятлардан бири бозорлар ҳафтанинг белгиланган маълум кунларида, атрофидаги бирон бир шаҳарда ва йирик қишлоқларда бўлганлигини, бу тартиб улар ўртасида рақобатга ўрин қолдирмаганлигини, ички ва ташқи бозорнинг ривожланишида жуда катта имкониятлар туғдирганлигини, бозорлардан тушган катта даромад эса шу бозорлар кўплаб шаҳарларнинг кенгайишига, савдо-сотик ва хунармандчиликнинг ривожланишига замин яратганлигини тасаввур қилиш мумкин.

Илк ўрта аср шаҳарларининг хусусиятларидан бири сифатида жомеъ масжидларини айтиб ўтиш лозим. Ўрта аср шаҳарларининг деярли кўпчилигида жомеъ масжидлари бозорнинг ўртасида қад кўтариб турган. Мисол тариқасида Чағониён шаҳрини келтириб ўтишимиз мумкин. Худуди жиҳатдан Термиздан катта, лекин Окс ёқасидаги бу савдо шаҳри билан аҳоли сони жиҳатидан ҳам, ўзининг бойлиги жиҳатидан ҳам тенглаша олмайдиган бу шаҳарда бозор майдонида пишиқ ғиштли устунлари бўлган, лекин арксиз жомеъ масжиди қад кўтариб турган³⁴.

Умуман олганда ўрта аср Жанубий Ўзбекистон шаҳарлари Ўрта Осиё шаҳарлари каби худуди, ички тузилиши ва ташқи кўриниши билан бир қатор умумий ва айрим ўзига хос томонларга эга йирик марказлар эди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Жанубий Ўзбекистонда IX-XIV асрлардаги шаҳарсозлик маданияти**” деб номланган бўлиб, ушбу бобда Сомонийлар даври Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаси шаҳарсозлиги, Қорахонийлар давридаги урбанизация жараёнлари, Чигатой улуси даври шаҳарсозлик анъаналари каби масалалар ёритилган.

³² Чағониён тарихи. Пугаченкова Г. А. Холчаён. – Б. 29

³³ Аҳмедов М. Ўзбекистонда шаҳарсозлик санъатининг шаклланиши // Мозийдан садо, 2013 йил 4-сон. – 44 б.

³⁴ Чағониён тарихи. Бартольд В.В. Чағониён ҳақида. – 14 б.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи “Сомонийлар даври Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаси шаҳарсозлиги” деб номланади. Сомонийлар ҳукмронлиги йилларида Насаф анча ривожланган ва ўзига хос маданий марказлардан бирига айланади. Буни ўша пайтда Сомонийлар давлати тож даъвогарларининг Насафда туришидан ҳам билиб олиш мумкин³⁵.

Ш.С. Камолиддинов ёзма манбаларга асосланиб қуйидаги маълумотларни келтиради: “Насаф тарихи асрлар қаърига кетади. У Қашқадарё воҳасидаги асосий шаҳарлардан биридир. Истахрийнинг далолатича, унинг работини Самарқанд, Кеш, Нажария ва Ғубдин деб аталувчи тўртта дарвозаси бўлган девор ўраб турган. Муқаддисиининг эътирофича, унинг куҳандизи бузилган бўлиб, аҳоли жойлашган работ баландликда эди. Шаҳарни дарё кесиб ўтарди, унинг қирғоғида ҳукумат девони жойлашган эди. Жоме масжиди девор ёнидаги работда эди”³⁶.

Ибн Хавқалнинг ёзишича эса, Насаф шаҳар бўлиб, унда хароба ҳолатдаги кўҳандиз, тўрт дарвозали работ бор. Улар Боб ан-Нажжория, Боб Самарқанд, Боб Кеш ва Боб Ғубдин деб аталган³⁷. IX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган осойишталик даври Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарларидан бири Насафда ҳам хунармандчилик, савдо-сотик, маданий алоқаларнинг ривож топиши, аввалдан шаклланган ва юксак ривож топган шаҳарсозлик маданиятининг қайта жонланишига асос бўлди.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи “Қорахонийлар даврида урбанизация жараёнлари” деб номланади. IX-X асрларда Термиз Амударёнинг юқори оқимидаги энг йирик ва аҳолиси зич жойлашган шаҳар бўлиб, Ҳутталон ва Чағониённинг савдо маркази ҳисобланган. Шаҳар яқинида Амударёнинг энг тор кечуви жойлашган бўлиб, шаҳар Амударёнинг юқори оқимидаги энг йирик бандаргоҳ вазифасини ҳам бажарар эди. IX асрда шаҳар икки қисмдан-шаҳристон ва рабоддан иборат эди. X асрнинг таниқли географи ва тарихчиси Истахрий ўша давр шаҳрини бундай тасвирлайди. “Термиз шаҳар бўлиб, Жайхун қирғоғида жойлашган. У кўҳна қалъа-кўҳандиз, шаҳарнинг ўзи(шаҳристон) ва работдан иборат бўлиб, у ҳам девор билан ўралган. Қаср(сарой) биниси куҳандизда қад кўтарган. Шаҳар бозори ёнида зиндон, шаҳристонда ўрнашган. Бино гуваладан қурилган, бироқ кўпчилик маҳаллалар ва бозор расталари пишиқ ғиштдан қад ростлаган. Термиз бандаргоҳи шаҳарнинг асосий кемалар тўхтайдиган жойи сифатида хизмат қилади. Сувни Жайхун ва Чағониён (Сурхондарё)дан, экинларни суғоришга эса сувни Чағониён дарёсидан оладилар, чунки Жайхун суви юқорига кўтарилмайди³⁸”.

Термиз шаҳри ҳар бир маҳалласининг ўз гузари, бозори, карвонсаройи, масжиди ва ҳокозалари мавжуд бўлган. Работдан жануби-ғарбда жойлашган худуд ҳам ўзлаштирилиб, янги девор билан ўраб олинган. Шаҳар тузилишидаги

³⁵ Камолиддинов Ш.С. Китаб ал-ансаб. – 132 б.

³⁶ Камолиддинов Ш.С. Китаб ал-ансаб... – 100 б. Равшанов П. Қарши тарихи... – 291 б.; О.Бўриев, Очилов А. Қашқадарё воҳаси этномаданий қадриятлари... – Б.65.

³⁷ Ибн Хавқал. Китаб сурат ал-ард... – Б. 68

³⁸ Пидиев Ш. Термиз //Мозийдан садо, 2013 йил 2-сон. – Б. 11.

шунча ўзгаришларга қарамай, шаҳар тузилишида магистрал йўллар, ер ости (сизот) ва ер усти сув ўтказиш ҳамда сув иншоотлари тармоқлари аввалгидек қолган. Янги қудуқ ва ҳовузлар қазилган. Бу даврда работнинг ҳар бир ташқи томонида тахминан учтадан, жами саккизта ёки тўққизта дарвозаси бўлган³⁹.

Чағониён шаҳри йирик маданий марказ ҳам бўлган. Манбаларда Чағониёнга қарашли, аҳолиси кўп, бозори ва масжиди мавжуд катта ҳудудни эгаллаган Дарзанги шаҳри ҳақида ҳам эслатилади. Бу шаҳар Сармангондан олти фарсах, Термиздан ўн икки фарсах масофада жойлашган бўлиб, шаҳар илк ўрта асрлар давридан XIII асргача фаолият кўрсатган, шаҳарда ҳаёт кайнаган давр асосан IX-XII асрларга тўғри келади. Шунингдек, Сурхон воҳасида Баранги, Басанд, Сангардак, Қумғанон, Буроб, Зинвар, Рикдашт, Новандак, Хошимгирд каби катта кичик шаҳарлар қоранийлар даврида фаолият кўрсатиб, турли хил касб-корлар, меъморчилик ва қурилиш ишлари, савдо ва пул муомаласи кенг кўламда ривож топган.

Манбаларда шу давр шаҳарлари сифатида Новқат-Қурайш шаҳри ҳам эслатилади. Ушбу шаҳар хусусан, Истахрий маълумотларига асосланганидан бўлса, Кешдан 5 фарсах, Самъоний, Ёқут ҳамда “Худуд ал-олам”да таъкидланишича Насафдан 6 фарсах масофада жойлашган⁴⁰. Искифағн шаҳрини В.В. Бартольд ҳозирги Ғузор шаҳрининг жанубий қисмида жойлашган Эскибоғ қишлоғи ўрнида бўлган ва Искифағн атамаси асрлар давомида ўзгариб бизгача “Эскибоғ” атамаси билан етиб келган, деган фикрни билдирган. Бу шаҳарнинг равнақи ҳам бевосита Сомонийлар даври билан боғлиқ бўлиб, IX-X асрларда шаҳар жадал ривожланади. Сомонийлар ҳукмронлиги даврида Паздава ва Касби шаҳарларининг ривожланиши мутахассислар томонидан уларнинг Бухоро-Балх йўли устида жойлашганлиги натижаси эканлиги қайд этилган⁴¹.

Учинчи бобнинг учинчи параграфи “Чиғатой улуси даври шаҳарсозлик анъаналари” деб номланади. Чиғатой улуси даврида жанубий Ўзбекистон ҳудудида жойлашган йирик аҳоли масканлари Мовароуннаҳр шаҳарлари каби тарихий-географик нуқтаи назардан йирикроқ шаҳарлар ва шаҳар-кўрғонлардан иборат бўлганлигини кўришимиз мумкин. Жанубий Ўзбекистон ҳудудида Кеш (Шаҳрисабз), Термиз ёзма манбаларда шаҳарлар сифатида қайд этилган бўлса, Чағоно (Чағониён), Қарши (Насаф), Занжирсарой кўпроқ шаҳар-кўрғонлар сифатида тилга олинади⁴². Ёзма манбаларда ҳам айрим аҳоли масканлари номидан сўнг, “ҳисор” (кўрғон) атамаси ишлатилган.

Чиғатой улуси ҳукмдорлари яйлов чорвачилигига мойил бўлгани сабабдан кенг яйловларга яқинроқ жойларда ўзларига маскан қурганлар. Жумладан, Кебекхон (1318-1325) Қашқадарё воҳасида Қарши кўрғонини,

³⁹ Массон М.Е. Городища Старого Термеза и их изучения// Труды ТАКЭ.Т.1. – Ташкент, 1940. – С. 98.

⁴⁰ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана... – С. 102; Раимкулов А. Қашқадарё воҳасининг ўрта аср шаҳарлари... – 103 б.

⁴¹ Раимкулов А. Қашқадарё воҳасининг ўрта аср шаҳарлари... – 50 б.

⁴² Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё (Тарихий-географик лавҳалар). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997. – Б.53.

Қозонхон (1332-1346) Занжирсаройни барпо этиб, ўзларига қароргоҳ этганлар⁴³.

Чигатой улуси даври шаҳарларидан бири “Термиз-Жайхун (дарёси) бўйида жойлашган шаҳар ҳисобланиб, кўрғони (кўҳандиз) бор, (илгари) шаҳристон ва работга эга бўлган. Бозор ва жумаъ масжид шаҳристонда жойлашган. (Шаҳар) аҳолисининг уйлари лойдан қурилган; (аҳолиси) Жайхун (дарёсидан) сув ичган, экинлари эса Чағониён дарёси (суви)дан суғорилган. ... Бурдоғуй атрофида жангал (тўқайзор) кўп ва у жангалда шерлар ҳам бўлиб, ўша яқин ўртада Колиф деган бошқа бир кечув ҳам бўлган⁴⁴”.

Мўғуллар истилосидан сўнг Чағониён шаҳристонининг деярли бутун худуди ташландиқ ҳолга келган. В.В. Бартольднинг “Чағониён бу вақтда бутунлай йўқ бўлиб кетган эди”, – деган фикрига қарама-қарши ўлароқ, кейинги тадқиқотларда шаҳар яна қайта қад кўтаргани, аммо янги жойда, рабод қисмида мавжуд бўлганлиги аниқланди⁴⁵.

X-XII асрларда Термиз, Чағониён, Новантак шаҳарлари ва қишлоқлари ривожланади. Бундан ташқари Чағониёнга қарашли бўлган, аҳолиси кўп, бозори ва масжиди бор Дарзангида илк ўрта асрлар давридан XIII асргача ҳаёт давом этган. Баранги, Басанд (ҳозирги Бойсун худудига тўғри келади), Сангардак, Буроб, Зинвар, Рикдашт, Хошимгирд номли шаҳарлар ҳам IX-XII асрлар ва баъзилари XII-XIV асрлардаги обод шаҳарлар қаторида эди.

Хуллас шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Қашқадарё воҳаси мўғулларнинг доимий қароргоҳига айланиб қолган бўлсада, Жанубий Ўзбекистон худудидаги илк ўрта асрлардан бошлаб ривожланган шаҳарсозлик маданияти издан чиққан ва кўпгина шаҳарлар, аҳоли манзиллари таназзулга юз тутган.

“V–XIV асрлар Жанубий Ўзбекистон шаҳарлари тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган тўртинчи бобда Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаси шаҳарлари тузилишидаги анъанавийлик ва ўзгаришлар, савдо йўллари ҳамда шаҳарлар тараққиётида ички ва ташқи савдонинг роли, шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги боғлиқлик, шаҳарлар аҳолисининг машғулотлари, урф-одатлари ва ижтимоий қатламлари тадқиқ қилинган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи “Қашқадарё воҳаси шаҳарлар тузилишидаги анъанавийлик ва ўзгаришлар” деб номланади. Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатмоқдаки, мавжуд жамият тараққиётини белгилаб берувчи сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда шаҳарларнинг тутган ўрни турли даражада бўлиб, бу жараён кўп ҳолларда мавжуд марказларнинг қулай географик ва топографик шарт-шароит ҳамда омиллар мавжуд бўлган худудларда шаклланиши ҳамда тараққий этиши билан изоҳланади. Жанубий вилоятлардаги Қарши, Касби, Ғузор, Шаҳрисабз, Бойсун, Термиз, Денов каби шаҳарларни шулар қаторига киритишимиз мумкин. Қашқадарё воҳасида олиб борилган археологик қидирув ишлари археологик

⁴³ Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё (Тарихий-географик лавҳалар).. – Б. 55.

⁴⁴ Ртвеладзе Э.Э. Чағониёнга саёҳат // Чағониён тарихи. – Тошкент, 2002. – Б. 41.

⁴⁵ Ўша асар. – Б. 45.

ёдгорликларининг 60-65 % антик ва илк ўрта асрлар даврига оид эканлигини ва уларнинг 25-30% гина ривожланган ўрта асрлар даврида фаолият юргизганлигини кўрсатади. Бу солиштиришда ўрта асрларда воҳада аҳоли манзилларининг сони камайгандек бўлиб кўринсада, мана шу 25-30 фоиз аҳоли пунктларида антик ва илк ўрта асрлар даври аҳолисидан анча кўпроқ аҳоли яшаган, шаҳарлар аҳолиси эса қишлоқлар аҳолисидан зичроқ миқдорни ташкил этган. Шаҳар аҳолисининг салмоқчилиги боис, аҳолининг маданий даражаси ҳам албатта юқори бўлган. Насафнинг 220 га, Паздаванинг 250 га ва Касбининг 300 га бўлган ҳудудида, улардан ташқари 50-100 га майдонга эга бўлган ўндан ортиқ шаҳарларнинг ҳар бирида бир неча ўнлаб қишлоқлар аҳолиси миқдорига тенг аҳоли яшаганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Қашқадарё воҳаси шаҳарларининг сони ва уларнинг Кеш ва Насаф воҳалари бўйлаб жойлашуви хусусида С.Б.Лунина ўзининг “VIII-XII асрларда Жанубий Суғд шаҳарлари”⁴⁶ монографиясида ўрта асрларда Кеш воҳасида Насаф воҳасига қараганда шаҳарлар кўпроқ бўлган, деган фикрни илгари суради ва бунга Кеш воҳасининг қулай табиий иқлим шароитини сабаб қилиб кўрсатади. А.Раимқуловнинг энг сўнгги ҳисоб-китобларига қараганда, ўрта асрларда Насаф воҳасида майдони 10 гектардан кам бўлмаган 16 та шаҳар фаолият кўрсатган бўлса, Кеш воҳасида уларнинг сони 10 тадан ортиқ эмас, Ғузор воҳасида эса 8 та шаҳар фаолият кўрсатган. Бу ҳолат Насаф воҳаси шаҳарлари ўрта асрларда ҳудуд жиҳатидан ҳам, шаҳарлар сони жиҳатидан ҳам Кеш воҳасидан устун турганлигини кўрсатади.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи “Сурхондарё воҳаси шаҳарлари тараққиётидаги ўзгаришлар” деб номланади. Араб-форс муаллифлари Юқори ва Қуйи Тохаристонни алоҳида ажратган ҳолда маълумотлар берадилар. Хусусан, Балазурийнинг хабар беришича, Юқори Тохаристонга Баргар (Паргар), Шуғнон, Бадахшон, Талекон, Хуттал, Вахш Кобадийон, Хост, Андароба, Бомийён, Бағлон, Варвалиж, Рустоқбанд, Термиз, Сағонийён, Земм каби рустоқлар кирган бўлса, Хулм, Саманган, Бумийён рустоқлари Қуйи Тохаристонга тегишли бўлган⁴⁷.

Хушвара (бошқача ўқилиши Бхшура ёки Хашура) кўҳна шаҳри Балазури ва ат-Табарийда, VII аср охири – VIII аср бошларидаги сиёсий воқеаларни ёритиш жараёнида эслатилади⁴⁸. Бу кўҳна шаҳарни Г.Ғоибов аниқ жойини кўрсатмасдан Термиз ва Куфтан оралиғида локализация қилган.⁴⁹ Ёзма манбалар маълумотларига кўра, Хушвара анчагина катта шаҳар бўлиб, деворлар билан ўраб олинган ички шаҳар (мадинаи доҳил) ва работдан иборат бўлган. Археологик тадқиқотлар натижаларига эътибор берадиган бўлсак, Куфтан вилояти жойлашган Термизнинг шимолидаги Шерободдарё

⁴⁶ Лунина С.Б. Города Южного Согда в VIII-XII вв (стратиграфия и периодизация). – Ташкент: Фан, 1984. – С. 72.

⁴⁷ Балазури. Завоевание Хорасана (Извлечение из сочинения “Футух ал-Булдан”). – Душанбе, Дониш, 1987. – С. 52.

⁴⁸ Табар. История ат-Табари... – С. 107.

⁴⁹ Гаипов Г. Ранние походы арабов в Среднюю Азию. – Душанбе: Дониш, 1989. – 144с.

воҳасида, ҳозирги Шеробод шаҳридан 7 км жануби-ғарбда йирик кўҳна шаҳар Каттатепа (ёки Хосияттепа) ҳаробалари жойлашган. Кўҳна шаҳар (510x390м) деворлар билан ўралган арк, ички ва ташқи шаҳар ҳамда кенг рабоддан иборат⁵⁰.

IX-XIII аср бошларига қадар Термиз узлуксиз ва бир текс ривожланган бўлса, Чағониёнда инқироз ҳолатлари кузатилиб, шаҳар ҳудудида ҳаёт деярли тўхтади. XI асрнинг ўрталарида Салжуқий Алп Арслон шаҳарни бутунлай вайрон этган. Бу даврда Термиз шаҳри Мовароуннахрни чап қирғоқ Амударё билан боғлаб турувчи стратегик кечув назоратчиси вазифасини бажарган марказ сифатида янада тараққий этиб борган.

Ушбу бобнинг учинчи параграфи “Савдо йўллари ҳамда шаҳарлар тараққиётида ички ва ташқи савдонинг роли” деб номланади. V-VIII асрларда ҳунармандчилик устахоналари ва савдо дўконлари барча шаҳарларнинг кўчалари бўйлаб жойлашган. Манбаларга кўра 660 йилда Чағониёнда ясалган кизил ва зумрад рангли шиша буюмлар Хитойга юборилган. Чағониёни кўшни мулклар билан алоқалари элчилик муносабатлари даражасигача кўтарилган.

IX-XII асрларда ҳам Жанубий Ўзбекистон шаҳарларида ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқариш ва савдо-сотик муҳим аҳамият касб этган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, иқтисодий ривожланган туманлардан олиб келинган товар маҳсулотлари вилоятлар марказида тўпланилган ва шаҳарлар орқали карвон йўлларига олиб чиқилган.

Мўғуллар истилоси туфайли Буюк ипак йўли бўйлаб олиб борилган маданий ва иқтисодий алоқалар инқирозга учраб, фақатгина XIII асрнинг 60-70-йилларидан бошлаб шаҳарлар тикланган, ҳунармандчилик ва савдо-сотик ишлари йўлга қўйила бошланган. Шаҳарлар савдо-сотик марказлари вазифасини бажарган. Насаф, Кеш, Термиз ва бошқа шаҳарларда ҳунармандчилик ниҳоятда ривожланиб, ҳар бир шаҳар ўз маҳсулотлари билан шуҳрат топган. Бу даврда Буюк ипак йўлининг марказий йўналишлари бўйида жойлашган Мовароуннаҳр шаҳарлари нафақат, Шарқ дунёсида, балки улкан Евроосиё минтақаси миқёсида амалга ошириладиган халқаро транзит алоқаларда ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Шаҳарларда аҳолида ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишга ихтисослашган бозорлар мавжуд эди⁵¹.

Илк ўрта асрлардан бошлаб, Жанубий Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳарларида ҳунармандчиликнинг турли соҳалари (темирчилик, қуролсозлик, шишасозлик, кулолчилик, тўқимачилик, пахта толаси ва ипак матолар тайёрлаш, шойи газламалар ишлаб чиқариш) жадал ривожланиши натижасида ички ва ташқи савдони юқори даражада мақсадли ташкил қилиш зарурияти вужудга келган. IX-X асрларда, оммавий истеъмол молларига бўлган талабнинг ошиши, ички ва ташқи савдонинг ривожини ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишига олиб

⁵⁰ Аршавская З.И., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники. – С. 133-134.

⁵¹ Мавлонов Ў.М. Ўрта асрларда Жанубий Ўзбекистонда иқтисодий-савдо муносабатлари // ЎзМУ хабарлари. Махсус сон. 2014. – Б. 41-45.

келди. Илк ўрта асрларда бозорлар, асосан шаҳарлар атрофида жойлашган бўлса, бу даврда улар шаҳарларнинг работлари ва шаҳристонларида қурилган бўлиб, бозорларда нафақат савдо расталари, хунармандчилик устахоналари ҳам мавжуд бўлган. Йирик савдогарларнинг карвон-саройлари бозор расталари ва дўконларидан алоҳида жойлашган. Ички ва ташқи савдода шаҳарларнинг аҳамияти кейинги даврларда янада ошиб борди.

Жанубий Ўзбекистон ҳудудида араблар истилоси, сомонийлар даври ва ундан кейинги асрларда мавжуд бўлган шаҳар ва қишлоқлар, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳақида тарихий ва географик асарларда айрим маълумотлар учрайди. Хусусан, Ёқут Ҳамавий, Сомъоний асарларида Ўрта Осиёдаги 900 дан ошқроқ манзиллар номи тилга олинган бўлиб, шуларнинг 85 таси Қашқадарё воҳаси ҳудудидаги (75 таси Насаф вилоятида, 10 таси Кеш вилоятида) шаҳар ва қишлоқлардан иборат эканлиги кўрсатилган⁵². Жанубий Суғдда араблар истилосига қарши кўтарилган халқ ҳаракати – “Оқ кийимлилар” кўзғолони туфайли ҳам Қашқадарё воҳасид ўндан ортиқ йирик шаҳарлар ва бир неча юз қишлоқлар тамоман вайронага айланган⁵³.

Ушбу бобнинг тўртинчи параграфи “Шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги боғлиқлик” деб номланади. Ўрта асрлар Ўрта Осиёда шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги тафовут бугунгача муаммо бўлиб келмоқда ва мавҳумлигича қолмоқда. Илк ислом даврида шаҳар тушунчаси жомеъ масжидларининг бор ёки йўқлигига қараб белгиланган. Насафга ташриф буюрган ибн Хавқал воҳа маркази ва жомеъ масжидига эга бўлган Насафни шаҳар, аҳоли сони ва ҳудуди жиҳатидан ундан анча катта, ҳамда жомеъ масжидларига ҳам эга бўлган аҳоли манзиллари – Касби ва Пазда (Паздава)ни қишлоқ сифатида таърифлаган⁵⁴.

Суғдда ривож топган ҳар бир хунар соҳалари катта тажриба ҳамда узок муддатли оғир меҳнатни талаб қилган. Бу эса, фикримизча, объектив шарт-шароит, яъни, ижтимоий-иқтисодий асос ҳамда бойлик концентрациясини тақозо этган. Бу каби шарт-шароит Суғднинг Туркий хоқонлиги таркибига киритилиши ҳамда хоқонлик билан савдо-иқтисодий алоқалардаги муштарак манфаатлари орқали юзага келди.

Уй хунармандчилиги уй-қўрғонлар ёки (янгидан вужудга келган) қишлоқ манзилгоҳларида қўлда идишлар тайёрлаш, бўйра тўқиш, бўёқлар тайёрлаш ва тўқимачилик кабилар билан боғлиқ бўлган⁵⁵. Бу каби хунармандчилик маҳсулотларининг асосий истеъмолчилари қишлоқнинг оддий аҳолиси, яъни ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари бўлганлиги сабабли бу маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш даражаси ва сифати юқори бўлмаган. Шу сабабли,

⁵² Камолитдинов Ш.С. “Қитоб ал-ансаб” Абу Са`да Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Сам`ани – Как источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Ташкент, 1993. – С.19.

⁵³ Равшанов П. Қашқадарё тарихи... – Б. 328.

⁵⁴ Раимкулов А. Қашқадарё воҳасининг ўрта аср шаҳарлари... – Б.94.

⁵⁵ Эшов Б.Ж. Милоддан аввалги VII- IV асрларда Суғдиёна тарихи ва маданияти: Тарих фан.номз...дисс. – Тошкент, 1999. – Б. 101

фикримизча, уй касб-кори даражасидаги буюмлар тайёрлаш ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ўртасидаги фарқни ажрата билиш лозим.

Тадқиқотлар таҳлилига кўра, ҳунармандчиликнинг ихтисослашган соҳалари асосан йирик шаҳарларда ва ҳунармандчилик марказларида ривож топган бўлиб, бундай марказларда махсус устахоналар ҳам фаолият кўрсатган. Бундай марказларда маҳсулотларнинг асосий қисми ўзаро алмашинув ёки сотиш учун тайёрланган бўлиб, уларнинг маълум бир қисми ҳунармандларнинг ўзлари томонидан сотувга чиқарилган. Зеро, уларни ишлаб чиқариш “...бозор мақсадларида амалга оширилган бўлиб, бу каби маҳсулотлар шахсан озод ҳунармандлар томонидан тайёрланган”⁵⁶. Бу маҳсулотларнинг асосий истеъмолчилари йирик мулкдорлар, шунингдек, уларга тегишли тижорат билан машғул савдогарлар бўлган. Чунки, мазкур даврда савдо-сотик жуда қизгин ва даромадли ҳисобланар, “...бирок, бу тижорат оғир натурал хўжалик шароитида яшаётган авом халққа эмас, балки, жамиятнинг дабдабали нарсаларга эҳтиёж сезадиган юқори қатламига хизмат қиларди”⁵⁷.

Тўртинчи бобнинг охириги бешинчи параграфи “Шаҳарлар аҳолисининг машғулоти, урф-одатлари ва ижтимоий қатламлари” деб номланади. Илк ўрта асрларда аҳоли яшаш жойларини шартли тарзда икки гуруҳга бўлиш мумкин: янги яшаш манзилларида барпо этилган ва эски қароргоҳларда мавжуд бўлган яшаш манзилгоҳлар. Тадқиқот натижаларига кўра шуни таъкидлаш лозимки, янгидан барпо этилган қароргоҳлар ўзининг ҳажм жиҳатдан катталигини, жойлашиш хусусиятини, ўрни жиҳатидан аввалгиларга нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Сурхон воҳасида худди шундай шаҳарлар сирасига Термиз, Будрач-Чағониён, Новандак, Каттатепа ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Шаҳарлар атрофи боғ-роғ ва полиз экинлари, тоқзорлар билан банд бўлган. Хусусан, Мақдасий Чағониён шаҳрида нон арзонлигини, гўшт эса кўп миқдорда сотилганлигини таъкидлайди.

Тарихий манбаларда Чағониён вилоятининг маҳсулотлари ичида жун кийим-кечаклар, гилам ва шолчалар келтириб ўтилади. Дарзанги шаҳарчаси эса тўқимачиликнинг маркази ҳисобланиб, у ерда иссиқ кийимлар, жулжабдуқ, гилам ва шолча тайёрланган. Деҳқончилик маданиятининг юксалиши ҳамда тўқимачилик ривожини учун зарур хом ашё-ғўза экинни парвариши учун қулай иқлим шароитининг мавжудлиги бу соҳа тараққиётидаги энг муҳим омил саналади⁵⁸.

Мазкур давр шаҳарсозлигининг муҳим жиҳатларидан бири устахоналарнинг ташқи шаҳарда, қулоллар маҳалласи яқинида, яъни шаҳар бозорларидаги савдо расталари билан уйғунликда жойлашганлигидир. Зеро, “...бозор атамаси остида ўрта асрлар шаҳарларида нафақат савдо-сотик қилинадиган

⁵⁶ Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб... – С. 129.

⁵⁷ Гумилев Л.Н. Қадимги турклар... – Б. 49.

⁵⁸ Сағдуллаев А., Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Ўрта Осиёда ўрта асрлар савдо-сотик тизими. – Тошкент: Академия, 2012. – Б. 42.

махсус жой, балки хунармандчилик марказлари (устахоналари) ҳам тушунилган”⁵⁹. X-XI асрлар давомида Насаф ва Кешда арабча хатли сопол идишлар ва уларга тақлид сифатида безалган лаганлар ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Сирланган сополларининг юксак сифатли шакли ва нақшинкорлиги билан Чағониён ва Термиз алоҳида ажралиб турган. Амударёнинг чап ва ўнг юқори соҳилларидаги бошқа тоғ вилоятлари каби, Чағониёнда ҳам маданий ҳаёт Бухоро ва Самарқандга қараганда кўпроқ Балх таъсирида бўлган.

Олиб борилган таҳлиллар асосида хунармандчилик соҳаларининг қуйидаги таснифини ажратиш мумкин:

1. Кундалик ҳамда хўжалик маҳсулотлари хунармандчилиги – меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, ошхона анжом (инвентар)лари кулолчилик ва металлсозлик;

2. Тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари хунармандчилиги – дўппидўзлик, сўзаналар, кашталар, либослар (кундалик, тўй-ҳашамлар ва турли диний маросимларда фойдаланиш учун матолар) ҳамда кўнчилик маҳсулотлари, гиламлар ишлаб чиқариш;

3. Заргарлик буюмлари – аҳоли қатламлари табақалашувини ифода этувчи қимматбаҳо ҳамда оддий хом ашёдан турли хилдаги қимматбаҳо тақинчоқлар ясаш;

4. Бадиий безак хунармандчилиги – турли соҳа(кончилик, металлсозлик, тўқимачилик, заргарлик) маҳсулотларига бадиий зеб бериш, бунда маҳсулотлар асосан четга чиқариш, совға-салом ёки совға тарзидаги муайян бож (ўлпон) ни тўлаш мақсадларида тайёрланган.

5. Қурилиш ашёлари хунармандчилиги – шаҳарсозлик маданияти ривож учун зарур бўлган турли безакли-рангдор маҳсулотлар ва устунлар тайёрлаш;

6. Қуролсозлик хунармандчилиги.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Кеш, Шуллиуктепа, Ғузур, Эскифағн, Термиз, Чағаниён, Сангардак, Керкича, Калиф каби катта-кичик шаҳарлар ривож топиб, уларда турли хунармандчилик соҳаларининг кенг ёйилиши натижасида ишлаб чиқариш марказларининг тараққий этишига замин яратилди. Айнан мана шу омил туфайли ўрганилаётган даврда марказий шаҳарлар-Кеш, Нахшаб, Термиздан ташқари Ғузур, Фороб, Карки, Каздава, Касби каби хунармандчилик ва савдо марказлари, йирик қўрғон ва қишлоқ манзилгоҳлари тармоғи шаклланди.

ХУЛОСА

V-XIV асрнинг биринчи ярмида Жанубий Ўзбекистон шаҳарлари шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд тарихий манбалар, археологик тадқиқотлар таҳлили ҳамда илмий адабиётлар асосида илмий-қийсий таҳлил этилиб, ушбу таҳлиллар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

⁵⁹ Анарбаев А. Благоустройство средневекового города Средней Азии (V – начало XIII вв.): Автореф.дисс. ... канд.ист.наук. – Ленинград, 1977. – С.6.

1. Мавзу манбашунослигининг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, ёзма манбалар маълумотларини ўзаро ҳамда илмий адабиётлар ва археологик тадқиқотлар натижалари билан қиёсий солиштириш, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари шаҳарлари шаклланиши ва ривожланиши, урбанизация жараёнлари, топоним ва этнонимлари, гидронимлари, этнографияси бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларни тарихий-географик йўналишида ёритиш тадқиқотдан кўзланган мақсадни бажаришда катта ўрин тутди. Келгусида бу йўналишдаги ишларни давом эттириш орқали мавзуга оид муҳим илмий хулосаларни қўлга киритиш ва монографик тадқиқотлар доирасида таҳлил қилиш муҳим илмий ва амалий натижаларга олиб келиши мумкин.

2. Илк ва ривожланган ўрта асрлар даври жанубдаги шаҳар маданияти масалаларини ёритиш кўплаб маълумотларни қиёсий ўрганиш, илмий таҳлил этиш, илмий-танқидий ёндашувларни талаб этишни таъкидлаш лозим. Умумлашма маълумотлар таҳлиллари шуни кўрсатадики, биз ўрганаётган давр шаҳарлар топонимикаси, шаҳар ва қишлоқ муносабатлари, урбанизация жараёнларининг локал хусусиятлари кўпчилик тадқиқотчилар назаридан четда қолган. Шунга қарамасдан, ушбу жараёнларни жануб шаҳарлари мисолида қиёсий-хулосавий таҳлиллар асосида илмий муомалага киритиш учун имкониятлар етарли эканлигини эътироф этиш лозим.

3. Сомонийлар даврида Паздава ва Касби шаҳарларининг ривожланиши мутахассислар томонидан уларнинг Бухоро-Балх йўли устида жойлашганлиги натижаси эканлигини қайд этилади. Лекин шу пайтгача сақланиб қолган йирик ўрта асрлар шаҳарлари харобаларининг устки рельефида ўша маҳаллаларнинг жойлашуви, улар орасидаги кўчаларнинг ўринлари ва йўналишлари деярли кўзга ташланмайди. Кўҳна Фазли ёдгорлигининг ўзига хос хусусияти шундаки, ёдгорликнинг устки топографик рельефи ҳозирги кунларгача деярли бузилмасдан сақланиб қолган ва бу рельеф ўрта аср шаҳрининг ички тузилиши тўғрисида маълум тасаввур ҳосил қилдиради.

4. Илк ўрта асрлар даврида Кеш (Китоб-Шаҳрисабз), Шулуқтапа (Қарши), Ғузур, Навқат Қурайш, Эскифағн, Касби, Базда каби йирик кўҳна шаҳарлар дарё воҳаларида, қадимги йўللари бўйларида шаклланиб воҳанинг ички ва ташқи савдо алоқаларида, маданий ҳаётида, миграция жараёнларида муҳим аҳамият касб этганлар. Олиб борилган кўплаб қиёсий тадқиқотлар натижасида бу шаҳарларнинг шаклланиши жараёни, ривожланиш босқичлари, тарихий географияси, топономикаси ва локализацияси масалаларига кўплаб аниқликлар киритилган. Шунга қарамасдан, илк ўрта асрлар воҳа шаҳарлари тарихи ва маданияти тадқиқотлари бўйича ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Бу муаммолар аввало бу давр шаҳарларининг функциялари, уларнинг жамиятдаги мавқеи, бошқарув тизимидаги аҳамияти масалаларида яққол кўзга ташланади. Қолаверса, бу даврдаги шаҳар ва қишлоқ муносабатлари масалаларига аниқлик киритиш қониқарли аҳволда эмас.

5. Шимолий Тоҳаристондаги илк ўрта асрлар даврга мансуб маконлар воҳанинг ички алоқа йўллари бўйида, Сурхондарё (Далварзинтепа, Холчаён,

Термиз ва бошқалар), Кофирнихон ва Вахш дарёлари бўйлаб жойлашган. Улар ичида минтақавий аҳамиятга эга йўллар билан боғланган Термиз шаҳри қатта ўрин тутди. Амударёдаги кечув бўйида жойлашган бу шаҳар минтақанинг марказий ҳудудларини Шимолий Афғонистон ва Ҳиндистон шаҳарлари билан боғловчи муҳим транзит йўл бўйида жойлашганлиги ҳамда Амударё сув йўлидаги муҳим бандаргоҳларга эгаллиги билан ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидан ажралиб туради. Бу ёдгорликлар ичида Амударёдаги муҳим кечувлар яқинида жойлашган кичик қалъалар (Келиф, Курегин қалъа, Керкича, Усти ва бошқалар) муҳим ўрин тутган. Бу кичик қалъалар Амударёдаги муҳим кечувлар яқинида жойлашиб, Амударё сув йўлини ва кечувларни назорат қилиб туриш мақсадида барпо этилган. Улар ичида Амударёнинг Термиздаги кечувдан кейинги муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган.

6. VIII аср бошлари ва иккинчи ярмидан эътиборан шаҳарлар тараққиётида араб истилоси таъсири яққол сезилади. Араблар Ўрта Осиё ҳудудига бостириб келган дастлабки пайтларда ер эгаллиги муносабатлари пайдо бўлган кўплаб шаҳарларга дуч келдилар. VIII-IX асрларда арабларга тобе бўлган кўплаб ҳудудларда ер эгаллиги муносабатлари ривожланиши тезлашади. Ўрта Осиё шаҳарлари учун бир таъкидланарли жойи бор. Деярли кўпгина ўрта аср ёки кейинги давр шаҳарлари қадимги шаҳар ўрнида ёки бўлмаса ёнгинасида бунёд этилган, улар ҳозирги кунларгача бор. Аркларда араблар истилоси даврида ҳам ҳаёт қайнаган. Бир оз вақт ўтиши билан шаҳарлардаги ҳаёт шаҳристонларга кўчади ҳатто баъзиларида рабодлар майдони ҳам шаҳристонларга қўшиб олинади.

7. Жанубий Ўзбекистон ҳудудида турли ёдгорликларнинг вужудга келиши ҳамда кенгайиб бориши ҳунармандчилик соҳаларининг кенг ёйилиши ва ишлаб чиқариш марказларининг ривож топиб боришига замин яратди. Хусусан, марказий шаҳарлар – Нахшаб, Кеш, Термиз оралиғида, шунингдек, Амударё кечувларида жойлашган Фороб, Карки, Калифга қадар ҳамда Уструшона чегараларидан Темир Дарвозагача бўлган ҳудудларда илк ўрта аср ҳунармандчилик ва савдо марказлари, қўрғон ва қишлоқ манзилгоҳлари тармоғи шаклланади. Ҳунармандчилик соҳалари ривожидида муҳим ҳисобланган янги ерлар ўзлаштирилиши омиллари, ёдгорликларнинг Жанубий Ўзбекистон ҳудудидан ўтган савдо-транзит йўллари билан узвий боғлиқ равишда шаклланган тизими ва савдо-транзит йўллари фаолияти билан узвий боғлиқ бўлмаган ёдгорликлар тизимидан иборат эди. Халқаро савдо-транзит йўли тармоқлари орқали олиб борилган ўзаро савдо алоқаларида Жанубий Ўзбекистон савдогарларининг фаол иштироки маҳаллий ҳунармандчилик соҳаларини қўшни ва олис мамлакатларда эришилган янги ютуқлар, услуб ва усуллар билан бойитиб бориш ҳамда янги соҳаларнинг вужудга келишини таъминлади.

8. Шаҳарлар ҳаётида дарёларнинг ўрни қандай бўлса, қудуқларнинг ўрни ҳам шундай бўлган. Ўрта аср шаҳри Насаф шаҳристонини ва рабодида

ўндан зиёд жойда худди шундай қудуқлар излари топиб ўрганилган. Шаҳар аҳолисининг сув билан таъминлашда қувурли сув тизимидан ҳам кенг фойдаланилган. Масалан, Насаф яқинидаги Офурон шаҳрининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг ҳудудида аниқланган жуда кўплаб қадимий қудуқлар саналади. Бу жойда 15 та қудуқ мавжуд бўлганлиги маҳаллий аҳоли томонидан аниқланган. Айрим қудуқлар одатдагидек тўғри цилиндр шаклида, бошқалари эса қўнғироқсимон шаклга эга бўлган.

9. Сомонийлар давлатининг ташкил топиши Ўрта Осиё шаҳарларининг янада ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Ривожланаётган шаҳарларнинг янги вазифалари ва ислом ақидалари, биноларининг янги типларини ҳаётга татбиқ этилди. Булар сирасига масжидлар, миноралар, мақбаралар, хонақоҳлар, работлар, номозгоҳлар, қарвонсаройлар, тимлар, чорсулар, ҳаммомлар ва ҳокозалар кирар эди. Пишиқ ғиштни қўллаш бошлангандан кейин мураккаб қурилиш унсурлари йирик меъморий ҳажмлар яратишда меъморларнинг имкониятини анча кенгайтди. Шу билан бир қаторда, қурилиш техникасининг хилма-хил усуллари, бадиий безак услублари пайдо бўлишига олиб келди.

10. Чиғатой улуси даврида жанубий Ўзбекистон ҳудудида жойлашган йирик аҳоли масканлари Мовароуннаҳр шаҳарлари каби тарихий-географик нуқтаи назардан йириқроқ шаҳарлар ва шаҳар-қўрғонлардан иборат бўлганлигини кўришимиз мумкин. Жанубий Ўзбекистон ҳудудида Кеш (Шаҳрисабз), Термиз ёзма манбаларда шаҳарлар сифатида қайд этилган бўлса, Чағоно (Чағониён), Қарши (Насаф), Занжирсарой кўпроқ шаҳар-қўрғонлар сифатида тилга олинади. XIV асрнинг 50-йиллари охирларида Чигатой улуси бир қатор мулкларга бўлиниб кетгандан кейин Термизда маҳаллий саййидлар сулоласи қарор топган. Ушбу давр шаҳарларининг ривожланишида савдо, айниқса, халқаро савдо-сотик катта роль ўйнаган.

11. Термиз ва Чағониён кўҳна шаҳарларидаги ўзгаришларни қиёсий таҳлил этиш шуни кўрсатадики, шаҳарларнинг ривожланиш даражаси, режавий тузилиши ва айрим қисмларининг ички ҳолати белгиларида умумийлик билан бирга маълум ўзига хосликлар ҳам кузатилади. Хусусан, Чағониён деворлари қурилишида аниқ текислик, Термиз деворларида эса бир чизиқли текислик кузатилди. Ҳар иккала шаҳарда ҳам деворлар билан ўралган сарой иншоотлари мажмуи мавжуд бўлган. Аммо, Термизнинг сарой иншоотлари рабоддаги алоҳида ҳудудда, Чағониёнда эса, шаҳристон ҳудудида жойлашган.

12. Бозорларда газламалар, кийим-кечак ва пойабзалнинг нархи баланд бўлиб, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ҳаммаси ҳам ўзларига янги кийим-бош ва пойабзал харид қилиш имконига эга бўлмаган. Катта-кичик бозорларда қандолат турлари, қуруқ мевалар, майиз навлари, нишолда, нон, сут, қатиқ ва гўшт сотилган. Нон дўконлари асосан маҳалла ва бозорларда жойлашган. Топономик маълумотларга кўра, ўрта асрлар номларидан улар шаҳар ҳаётининг турли томонларини ифода қилганини кўришимиз мумкин. Аксарият ҳолларда бу номлар шаҳар аҳолисининг хунармандчилик касблари ва савдо фаолияти

билан узвий бўлган. Масалан, Китоб ва Шахрисабз шаҳарларида Дурадгорчилик, Заргарлик, Ипакчилик, Чармгар, Читгарлик, Косагарчилик, Қаршида эса Чармгар, Темирчи, Чилангар номи билан машҳур гузарлар мавжуд бўлган. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг кенг қатламлари товар-пул муносабатларига тортилган. Кенг истеъмол маҳсулотларининг ички савдо эҳтиёжлари мис тангалар воситасида амалга оширилар эди. Шаҳарларда турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, улар билан савдо қилинарди. Бозорлар нафақат савдо масканлари, шу билан бирга, ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш марказлари ҳам эди.

Мазкур мавзунини тадқиқ этиш жараёнида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

– ички ва ташқи туризмнинг турли йўналишларини ривожлантириш мақсадида тарихий шаҳарсозликнинг илмий таҳлиллари асосида Жанубий Ўзбекистон шаҳар манзилгоҳларини лойиҳавий электрон базасини яратиш;

– қадимги давр тарихи ва маданиятини, хусусан, урбанизация жараёнларини тадқиқ этишда инновацион ёндашувларини янада кучайтириш асосида, илмий янгилик ва кашфиётларни шаҳарлар тарихини ўрганишга доимий жорий этиб бориш;

– Ўзбекистон, умуман, Ўрта Осиё энг қадимги даврлардан бугунги кунга қадар кечган урбанизациялашувини ҳар томонлама ўзида жамлаган “Ўрта Осий урбанизация жараёнлари тарихи” номли кўп жилдлик фундаментал асар яратиш;

– шаҳарсозлик тарихи ва урбанизация жараёнлари ўрганилган тадқиқотлар натижаларини доимий равишда музейларга жорий этиш асосида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятидаги музейларда бу йўналишда кўрғазмалар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

**РАЗОВЫЙ УЧЕНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВАНИИ
УЧЕНОГО СОВЕТА PhD.03/27.02.2021. Tar.70.05
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХАСАНОВ АКРАМ МУМИНОВИЧ

**ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ
ГОРОДОВ В ЮЖНОМ УЗБЕКИСТАНЕ
(на примере V- первой половины XIV веков)**

07.00.01 – История Узбекистана

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ИСТОРИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Карши – 2021

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.4.DSc/ Tar119.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.qarshidu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный консультант:

Эшов Баходир Жураевич
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Раимкулов Абдусабур Аззамович
доктор исторических наук

Кобулов Эшболта Атамуратович
доктор исторических наук

Атаходжаев Азимхужа Музаффарович
доктор исторических наук

Ведущая организация:

Наваинский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится на заседании одноразового научного совета по присвоению научных степеней Ph.D.03/27.02.2021.tar.70.05, основанного при Каршинском государственном университете «16» 12 2021 года. Начало в 10⁰⁰ часов (Адрес: 180103, г. Карши, улица Кучабог, 17.). (Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz). Каршинский государственный университет, факультет Педагогика, кабинет 301.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за номером 70 (Адрес: 180103, г. Карши, улица Кучабог, дом 17. Тел.: ((0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz).

Автореферат диссертации разослан «4» 12 2021 года
(протокол реестра рассылки №1 от «4» 12 2021 года).



С.Н. Турсунов
Заместитель председателя
одноразового научного совета
по присвоению научных степеней,
д.и.н., профессор

Н.Н. Ражабова
Научный секретарь
одноразового научного совета
по присвоению научных степеней,
д.и.н., доцент

Ю.А. Эргашева
Председатель одноразового
научного совета по присвоению
научных степеней, д.и.н., профессор.

Ю.А. Эргашева

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во времена глобализации информации, подъема межцивилизационного диалога на всё более высокий уровень всё больше внимания уделяется изучению истории городов, являющихся сегодня центрами всемирного культурного наследия. Общепринято считать, что формирование и развитие человеческой цивилизации неразрывно связано с историей культуры градостроительства. В этой связи изучение истории древних и средневековых городов Центральной Азии, исследование таких специфических особенностей региона, как историческая география, историческая топонимия, экономическая и культурная жизнь, связанных с историей городов, имеет большое функциональное значение.

Сегодня, по мере быстрого развития урбанизации в глобальном масштабе, последовательно растёт потребность в научных исследованиях, широко раскрывающих историю городов. По этой причине в ведущих мировых исследовательских центрах проводятся системные исследования особенностей урбанизации в разных регионах нашей планеты, по возникновению культуры градостроительства и закономерностей её развития. В этих исследованиях раскрытие социально-политических, экономических и культурных основ формирования городов рассматривается как актуальная научная проблема.

В последние годы в нашей стране уделяется большое внимание увеличению количества и качества научных работ, относящихся к древнему и средневековому периодам. «Сохранение, изучение и передача исторического наследия от предков к поколениям – один из важнейших приоритетов нашей государственной политики ...»¹. В современных исследованиях освещение темы важности средневековых городов как административных, экономических, торговых и ремесленных, а также религиозных и культурных центров выдвигается в повестку дня как актуальная научная проблема. Проведение исследований, направленных на выявление значительного вклада Центральной Азии, в частности такого региона, как Узбекистан, в развитие культуры градостроительства, а также освещающих историю урбанизации с древнейших времен до наших дней, показывает важность выбранной нами научной темы. Изучение истории раннего и развитого средневекового градостроительства на юге Узбекистана выделяется в данном аспекте своей актуальностью. В период средних веков политический процесс в регионах южного Узбекистана отличался своей неравномерностью. Следовательно, в развитии городов наблюдались процессы социально-экономического роста или, наоборот, кризисные процессы. Также важным аспектом темы является анализ этих процессов на основе археологических и письменных источников и введение полученных данных в научный оборот.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга чиқарамиз. 1-жилд. – Тошкент: O'zbekistan, 2017. – Б. 29.

Исследования данной диссертации в своей части служат в определенной степени выполнению задач, поставленных в Законе Республики Узбекистан «Об охране и использовании объектов культурного наследия», в Законе Республики Узбекистан «Об охране и использовании объектов архитектурного наследия», в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Распоряжении Президента Республики Узбекистан от 18 января 2018 года №Р-5181 «О совершенствовании охраны и использования объектов материального культурного и археологического наследия», а также в IV-разделе «Дорожной карты», направленном на эффективное изучение истории Узбекистана, и в пункте 23 «Дорожной карты», направленном на подготовку «Истории городов Узбекистана», предусмотренных в поручении администрации Президента Республики Узбекистан от 5 января 2019 года 222-х.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено согласно программному направлению “Развитие науки и технологий республики” I. «Формирование системы социальных, правовых, экономических, инновационных идей информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

Комментарий зарубежных научно-исследовательских работ по теме диссертации. Ряд исследовательских центров и научно-исследовательских институтов по всему миру, в том числе Французский национальный центр научных исследований (Франция), Карловский университет (Прага), Германский институт археологии (Германия), Нью-Йоркский университет (США), Университет Сока (Япония), Сиднейский университет (Австралия), Институт археологии Российской Академии наук и Государственный музей искусства народов Востока (Россия), Институт истории Академии наук Узбекистана и Национальный археологический центр (Узбекистан) работает над такими научными вопросами, как городская культура, процессы урбанизации, диалектические связи между городами и государствами, сформировавшиеся в различных древних историко-культурных регионах Центральной Азии.

В разрезе данных исследований получено много важных научных результатов по истории древней и средневековой городских культур на юге Узбекистана (древняя Бактрия и Согдиана). В частности, речь идет: о нижних слоях памятников Узункыр, Еркурган, Афрасияб, верхних слоях памятника Еркурган (Кашкадарья), раскрывающих материальную культуру древних городов (Французский научно-исследовательский центр); об исследованиях таких первых и древних городов Сурхандарья, как Джаркутан, Кызылтепа, Термез, что позволило уточнить их количество (Университет Сока, Япония); об изучении структуры, выполняемых функциях и расположении древних и

средневековых городов и крепостей в Шерабадском районе Сурхандарьи (Карловский университет, Чехия); об изучении пограничных оборонительных сооружений древних и средневековых крепостях Кашкадарьи и Сурхандарьи, выявлении их особенностей, проведении исследований в торгово-ремесленных центрах в данных регионах (Институт археологии Российской академии наук, Государственный музей искусства народов Востока).

Изучение вопросов городского градостроительства в регионах Южного Узбекистана осуществляется по следующим приоритетным направлениям: вопросы историографии и источниковедения; направление археологических данных в историю; факторы и условия возникновения протогородов и ранних городов в южных регионах, а также общность и специфика развития древних и средневековых городов в имеющихся условиях; изменение южных городов в период правления определенных династий (Саманиды, Караханиды, Чигатайский улус и др.); историко-географическое положение городов в средние века; торговые и транзитные пути, связывающие города; оборонительные сооружения городов, крепостей; культурное развитие в городах; связь между городом и деревней, образ жизни и социальная жизнь городского населения; особенности регионального развития градостроительства в отдельных регионах.

Степень изученности темы. Степень изученности темы. Сведения о городах Центральной Азии в раннем средневековье в той или иной степени имеются в византийских, армянских, китайских, сирийских, турецких, индийских источниках, а в IX-XII веках – в трудах таких историков, географов, путешественников, ученых-энциклопедистов, как Фирдоуси, Наршахи, Беруни, Истахри, Байхаки, Мукаддаси, Низам-уль-мульки, Ан-Насафи, Табари, Ибн Хаукал, Ибн Халдун, Хавафи, ас-Самани, писавших на арабском и персидском языках. Позже, во времена Амира Темура и Темуридов, в произведениях Абдурраззакка Самарканди, Шарафиддина Али Язди, Натанзи, Мирханда, Хандамира, Бабура, Алишера Навои, Хаджи Самандара Термизи, Мухаммада Салиха, Абдурахмана Толе, Мирзо Бади Девона есть сведения о городах данного периода. Однако письменные источники этих периодов не охватывают полностью и подробно историю и культуру какого-либо города Центральной Азии, в том числе Южного Узбекистана². В этом исследовании мы попытались мы интерпретировать сопоставимые данные из письменных источников о городах Южного Узбекистана с археологическими, этнографическими и нумизматическими данными.

Хотя изучение письменных источников данных началось в середине девятнадцатого века, на то время данный процесс еще не был достаточно научным.

² Это подробно описано в первой главе нашей работы.

К советскому времени изучение истории и культуры городов рассматриваемого нами периода значительно расширилось. В данный период такие ученые-источниковеды, как В.В. Бартольд, А.А. Семенов, А.Ю. Якубовский, Н.Я. Бичурин, М.Е. Массон, О.Д. Чехович, О.В. Большаков, Ю. Маньковская, Б.А. Ахмедов, М.А. Абдурашидов, Х.З. Зиёев, Б.В. Лунин, Р.Г. Мукминова, провели ряд эффективных исследований.

По мере радикального изменения интереса к вопросу изучения отечественной истории за годы независимого развития страны, значительно расширился объем исследований по истории градостроительства, а идеологические взгляды и подходы в этих исследованиях наполнились идеями создания истинной истории. Проведение юбилеев Бухары, Хивы, Ташкента, Самарканда, Шахрисабза, Карши, Термеза, Маргилана и других городов нашей страны также расширило рамки проводимых исследований. В эти годы вопросы государственности и градостроительства в Центральной Азии в разное время нашли своё отражение в исследованиях таких ученых, как Б.Ахмедова, Р.Мукминовой, Х. Зияева, А. Аскарлова, Р.Сулаймонова, Э.Ртвеладзе, А.Сагдуллаева, Т.Ширинова, А.Анарбаева, Г. Агзамовой, Д.Зияевой, А.Зиё, Ш.Камолиддинова, Б.Эшова, Ш. Шайдуллаева, Б.Матбобоева, Ш.Пидаева, М.Исомиддинова, А.Раимкулова, Т.Аннаева и др.

